O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Milliy Tiklanish

Gazeta har oyda 2 marta seshanba kuni chiqadi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining gazetasi | 2003 yil, 4 noyabr | 9 (281) son

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МАМЛАКАТ ҲАЁТИДА КАТТА ВОҚЕА

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтқазишга доир республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Эркин Халилов «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантириш ва мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида уларнинг ролини ошириш» мавзуида маъруза қилди. Сайловнинг ҳуқуқий асослари, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, сайловни ташкилий жиҳатдан таъминлаш, жамоат ташкилотлари, ОАВнинг бу борадаги масъулиятли вазифалари сингари бўлажак сайлов билан чамбарчас боғлиқ ўта муҳим масалалар ўртага қўйилди ва муҳокама қилинди.

Маҳалла дегани айрим чет эллик «билимдон»лар тасаввур қилгандек «аллақандай ибтидоий жамоа» эмас, минг йиллар давомида шаклланган, аниқ мақсадга йўналтирилган, ҳар бир механизми такомилга етган жиддий ва ўта муҳим институтдир. Маҳалла қисмати мамлакат қисмати билан чамбарчас боғланиб кетган. Маҳалла обод бўлса, юрт обод, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон» асарида бу мамлакат тарихи, географияси, этнографияси ва удумлари ҳақида ҳам бой маълумотларни ёзаркан, муҳим бир фикрни айтади. Бирон халқ анъаналарига, удумларига баҳо беришда «буниси менга ёқади, униси ёқмайди», дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, ҳар бир халқ удумлари кўп йиллар тажрибадан ўтган ва ўша халқнинг яшаш тарзи, дунёқараши билан уйғунлашиб кетган. Маҳалла ҳам бизнинг ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, одам унингсиз турмуш тарзини тасаввур қилолмайди.

Шарқ билан Ғарбнинг дунёқарашида бир-бирига мос келмайдиган жиҳатлар бўлиши мумкин. Уларнинг бирини маъқуллаб, иккинчисини камситмаган ҳолда, бир-бирига зид қўймаган ҳолда бундай тафовутларни эътироф этиш ҳам зарар қилмайди.

Масалан, Ғарб мамлакатларида индивидуализм кучли. Ҳар бир инсон ўзини шахс сифатида кўрсатишга интилади. Ҳар ким ўзи учун яшашга, ўз манфаатини ўйлашга ҳаракат қилади. Шарқда коллективизм кучли. Одамлар бир-бирига суяниб ва бир-бирини суяб яшашга одатланган. Буни талай мисолларда кўриш мумкин.

Биласиз, бу йил ёз Европада жуда иссиқ келди. Оммавий ахборот воситалари Францияда мингдан ортиқ одам иссиққа чидолмай вафот этганини маълум қилди. Уларнинг ҳаммаси кексалар бўлган. «Евронюс» телеканалининг хабар қилишича, баъзи қариялар ҳатто «тез ёрдам» чақиришга ҳам улгуролмай қолган. Нега Франциядек инсонпарвар, юксак тараққий этган мамлакатда шундай бўлди? Кексаларга тиббий ёрдам кўрсатиш шунчалик қийинмиди? Гап шундаки, ўша қарияларнинг деярли ҳаммаси сўққабош бўлган. Бир боласи бир шаҳарда туради, иккинчиси бошқа шаҳарда... Хўш, қўшнилар-чи? Нега унинг ҳолидан хабар олмайди? Йиллар давомида шаклланган урфга биноан қўшни қўшнининг шахсий ҳаётига аралашмайди. Шахс эркинлигига даҳл қилмайди. Башарти икки қўшни эрталаб тўқнаш келиб қолсаю, бири иккинчисидан қандай ётиб-турганини суриштирса, уни ранжитиб қўйиши ҳеч гапмас. Ким қандай ётиб туриши шахсан ўзининг иши! Маҳаллада эса эрталаб ишга кечикиб типирчилаб турган одам ҳам саҳарлаб дарвозасининг олдини супураётган кампирни кўриб қолса (қайси миллатга мансублигидан қатъи назар) ҳол-аҳвол сўрашга вақт топади. Ҳатто «кеча кичик набирангиз йўталиб турувди, тузалиб қолдими, дори-пори керакмасми?» – дейишни ҳам унутмайди, бу – уларнинг бир-бирига ҳамроҳлиги, қийин пайтда қўлидан келган ёрдамни дариғ тутмаслигини исботловчи далилдир. Албатта, оқибат фақат бизда бор, бошқа жойларда йўқ, десак, тўғри бўлмайди. Бироқ ўзаро меҳр-оқибатдан кўра ҳисоб-китоб биринчи ўринда турадиган юртлар оз эмаслиги ҳам бор ҳақиқат.

Чет элда кўп йил ишлаган дўстим ўзи гувоҳ бўлган воқеани айтиб берган эди. Бир оилада ота-она ва ўғил яшайди. Ўғил вояга етган. Ишлайди, ота-онаси билан туради. (Ғарб учун унчалик типик бўмаган ҳол).

Оилада ким қайси харажатни зиммасига олиши аниқ белгилаб қўйилган. Ота-она уйнинг ижара ҳақини, коммунал хизмат пулини тўлайди. Электр пулини тўлаш эса ўғилнинг зиммасида. Кунлардан бирида ўғил икки ойлик хизмат сафарига кетади. Қайтиб келиб қараса, унинг банкдаги ҳисоб рақамидан икки ойлик электр ҳақи босиб қолинибди. Ўғил отасини судга беради. Нимага энди ўзи ёқмаган чироқ учун пул тўлаши керак? Суд электр ҳақини отадан болага ундириб беради. Боз устига ўғлига маънавий зарар етказгани учун отага жарима солади... Бу қарор ҳеч кимни ажаблантирмайди. Бундай судлашувлар тез-тез бўлиб туради.

Бизнинг оммавий ахборот воситалари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида мунтазам чиқишлар қиляпти. Газета ва журналлар, телевидение ва радиода бу мавзуга оид рукнлар бор. Бироқ уларда таъсирчанлик етарли эмас. Биз ўзини ўзи бошқариш идораларининг нақадар ноёб тушунча эканлигини, уларнинг ўзигагина хос хусусиятлари борлигини, бу ташкилотлар фаолияти бутун мамлакат қисматига таъсир қилишини теран ва атрофлича кўрсатувчи чиқишлар қилишимиз лозим. Яқинда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда Матбуот ва ахборот қўмитаси мамлакатдаги етакчи давлат ва нодавлат нашрлари, телерадио вакиллари иштирокида бу ҳақда кенгашиб олдик.

Очиғини айтганда, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида камчиликлар йўқ эмас. Кам таъминланган оилаларга мўлжалланган ёрдамни айнан ўз эгасига бермаётган маҳаллалар ҳам бор, маҳалла оқсоқолига «юқоридан» қараб муомала қиладиган ҳокимлик ва идоралар ҳам йўқмас... Лекин яхлит олганда маҳаллалар, қишлоқ фуқаролари йиғинлари ўз тарихига эга бўлган, ҳамиша яшаб келган ва бундан кейин ҳам яшайдиган тирик организм эканини ҳеч ким инкор этолмайди.

Инсон ҳатто ҳаёт билан видолашгандан кейин ҳам унга маҳалла керак, меҳр-оқибат керак, деган маънони англатади!

Ўйлайманки, мамлакатимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган воқеа – фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларида бўлажак сайловлар уюшқоқлик ва адолатли ўтиши учун барчамиз улуш қўшамиз. Умид қиламизки, уларда халқимизнинг билимдон, тажрибакор, халқ, мамлакат учун қайишадиган фарзандлари демократик принциплар асосида сайланади ва халқ юмушини адо этади.

АЗИЗ МУХЛИС!

"Миллий тикланиш" газетасига келгуси 2004 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! Газетамизга барча почта алоқа бўлимларида ёзилишингиз мумкин. Бир йиллик обуна баҳоси (таҳририят нархи) — 2680 сўм почта харажатлари бунга кирмайди. Газетамиз нашр индекси: 158

Меҳрингиз бир чаман, биламан,
Мен ҳам сизни яхши кўраман.

ОБУНАЧИЛАР НЕГА НОРОЗИ?

Бу йилги обуна мавсуми қандай ўтади? Бу савол ҳар бир газета муҳаррири ижодкорлар жамоасини ўй-фикри бўлиб турибди ҳозир. Аввало обуначилар сони ортиши учун журналистлар қалб илҳоми билан куйиб, ёниб ёзиши, элни ўйлантираётган муаммоларни ўртага ташлаши, мухлисларга сўз бериши, бу касбнинг заҳмати, қийинчиликларига чидаши зарур бўлади. Кўп газеталарнинг сотувда кетмай сарғайиб туришини кўриб ачинаман. Лекин айрим ўқишли нашрларни дўкондан топа олмайсиз. Масалан, "Тошкент оқшоми", "Миллий тикланиш" каби газеталарни қишлоғу туманда тугул шаҳардан ҳам топа олмайсиз. "Ҳуррият" ва "Моҳият" бизнинг туманга нотаниш, атайлаб буюртма берсангиз ҳам олиб келишмайди. "Диёнат" эса бир йилдан буён йўқ. Ана энди юқоридаги номи келтирилган газеталарнинг обунаси билан ким шуғулланади деган ўринли савол туғилади. Менимча — бу ҳол давом этса, ҳеч ким. Табиийки, обуна мавсумида вилоят, туман газеталари жонкуярлари хоҳлаганча топилади. ***Кўп ҳокимликлар ўз газеталарига ёздириш учун ташкилоту муассасаларга топшириқ — буйруқ чиқаради,*** *ташкилот ўз ишчисини ёзмай, яъни топшириқни бажармай иложи йўқ ҳам.*

Охир-оқибат ҳар бир корхона, ташкилот ишчиси ойлик маошидан бундай обуналар учун маблағ ушлаб қолинади. Ҳатто нафақа пулига кўз тикиб турган қария ҳам ўқийдими-йўқми, шуларга обуна бўлишга мажбур, бўлмаса нафақа тарқатувчи ҳақингизни бермайди — вассалом. Шундай пайтда мен "Миллий тикланиш", "Ҳуррият" ёки "Моҳият", "Афанди"га ёзиламан, десангиз нафақа пулини тарқатувчи алоқачи дарров юқоридан берилган туман, вилоят газеталари рўйхатини кўрсатади. Хоҳлайсизми, йўқми, "Фарғона ҳақиқати", "Марказий Фарғона", "Адолат йўли", "Меҳр ёғдуси", "Ойдин"га ёзишади.

2003 йилда мени "Адолат йўли"га обуна қилишди, лекин 5 — 6 сони берилмади.

— Мажбурлаб ёзилган газетани 4 — 5 сонини оламиз, холос дейди газетхонлардан Хусан Қодиров, Ғофур Хожибоев, Х. Нурматовлар.

— Газеталар бир ҳафтада бир-икки бор тарқатилади, асло янги ўқий олмаймиз, — дейди Содиқ Шерматов ва И. Охунов ҳам.

Энг ачинарлиси, ҳар ойда нафақа олувчиларга минг-минг сўмлик газета юборилади. Янги бўлса кошки-я, минг афсуски, бир-икки ой илгариги эски газеталар. Қариялар ҳақидан эски газеталар учун 100 — 200 сўм ушлаб қолиш каби ноқонуний ҳолатлар яна давом этаверармикин?..

Нурбек РАҲИМ

Фарғона

ИРОДА — ОДАМНИНГ ЎЗАГИ

ИРОДА ЭРКИНЛИГИ ВА УМУМАН ИРОДА ТЎҒРИСИДА

Агар муслиҳмен, ар муфсид, ва гар ошиқмен, ар обид
Не ишинг бор сенинг, зоҳид менингки ихтиёрим бор...
БОБУР

Одамлар бирор мушкул ишни ҳал қилиш гали келганда, бош қотира-қотира жўяли бир тўхтамга келолмаган пайтларда: "Менда ихтиёр борми?" — деб қўядилар. Худди шунингдек, "сизда ихтиёр борми?", "унда масалан, ихтиёр борми?" — деб сўрайдилар.

Ихтиёр балки йўқ эмасдир-а, лекин уни рўёбга чиқариш ёки намоён қилишга ирода етарлимикин? Оддий ҳаётда ҳамма гап шунда. Сабабдан заруратнинг юзага келиши учун ихтиёр керак, лекин унинг ўзигина кифоя бўлмайди. Заруратнинг бино бўлиши учун ҳаракат муҳимдир. Ҳаракат эса иродадан туғилади. Хоҳиш, истак — ироданинг энг содда ва энг азалий шакли. Хоҳиш деймиз. Бизнинг бутун вужудимиз, бутун тузилишимиз — бизнинг бошдан оёғимиз хоҳиш. Биз хоҳишдан бино бўлганмиз ва хоҳишдан тузилганмиз. Лекин ўз хоҳишларимиз устида узоқ ўйлаб ўтирмаймиз. Бизни, бутун хатти-ҳаракатларимизни вужудимиз, борлиғимиз, табиатимиз, юрагимизнинг бепоён қаърларида жойлашган хоҳишлар бошқараётганлигига кўпда ҳисоб бериб ҳам ўтирмаймиз.

Қадим-қадимлардан хоҳиш дер эдик. Кейин-кейинлар ислом диний маданияти таъсирида тилимизга "тақдир", "қадар", "қазо", "таваккал", "таваккул", "ихтиёр" ва "ирода" деган сўзлар, тагида жуда мураккаб мафҳумлар яширинган ётган тушунчалар кириб келди. Ислом динида, исломий маданиятда ирода — қазо ва қадар тушунчалари билан чамбарчас боғланган. Бир замонлар шу тушунча атрофида қадарийлар мазҳаби вужудга келган эди.

Ирода атрофида фикрлаш донишмандлар ва файласуфларнинг энг кўҳна замонлардан бери суюмли машғулотлари сирасига киради. Буюк немис файласуфи Артур Шопенгауэр "Олам ирода ва томоша каби" деган қалин асар ҳам ёзган ва иродани азалдан мавжуд қадар деб тушунтиришга уринган. Одамларни — европаликларни ирода ва томоша зимнида қандай инсонга муносиб яшашга ўргатишга, барча ҳаёт маромларининг марказига ҳамдардликни қўйишга ҳаракат қилди.

Одамзод ҳамиша туғилиш ва ўлим ўртасида яшайди. Унинг умри, вақти чегараланган. Шунинг учун "ирода эркинлиги" деганда, кўплар ва ҳатто улуғ файласуфлар ҳам шундай эркинлик бўлиши мумкинми? Ахир одам чегара ичида истиқомат қилади. Унинг хоҳишлари ҳам истайдими-истамайдими шу чегарадан ташқарига чиқиб кетолмайди. Ирода азалдан, олдиндан белгилаб қўйилган ҳодиса деб айтадилар. Ирода эркинлиги тушунчаси "инсон эрки" тушунчаси билан туташ, қариндош. Қоларверса, ҳозирги замонда инсоннинг яшаш ҳақ-ҳуқуқларидан — уларнинг жамидан ирода рўёбга чиқади.

Одам боласи ва камчиликлари, хатолари, нуқсонлари, адашишлари, ёмонликлари, яхшиликларининг азоби ичида яшайди. Азалда мавжуд бўлган нуқсонлар, ёвузликлар қанчадан-қанча улуғ динлар, эътиқодлар, ақл ва тафаккур ўйинларига қарамасдан ҳозиргача ҳам давом этиб келади. Одам ўзидаги ёмонлик, ёвузлик, шафқатсизликдан, ўзига ўхшаганларга ёмонлик қилиб шунинг воситасида суюниш, хурсанд бўлиш ва ҳатто ҳаётининг мазмунини шунда кўришдан қутулолмайди. Шунга қараганда, одамлар ўз камчилик ва нуқсонларини биладиларми? Улар устида ўйлайдиларми? Фикрлайдиларми? Ўйласалар, фикрласалар, уларни тузатиш, ислоҳ қилиш, яхши хулқ-ахлоқ эгаси бўлишга хоҳиш-ирода, яхши ният мавжудми?

Агар бу нарсалар мавжуд бўлмаса, унда одамни ёмонлик ва ёвузликдан қандай сақлаш, тузатиш керак? Ақлнинг ёлғиз ўзи билан буни амалга ошириш мумкинми? Бу каби саволларга кўп улуғвор жавоблар топилган бўлса-да, лекин улар ҳамон очиқ, ҳамон тинмай ўйлаш, фикрлашга ундайди. Шопенгауэр ва ундан кейинроқ фикр даҳоси Нитше бунда фақат ҳамдардлик, дардошлик — инсониятга ва алоҳида ҳар бир одамга дардкашлик халоскор маънавий куч бўлиши мумкин деган хулоса чиқардилар. Балки маънавиятда ҳамдардликдан ҳам ортиқроқ бир нарса бордир. Лекин унинг пайдо бўлиши учун одамнинг онгида нимадир ўзгариш рўй бериши керак. Одамнинг хоҳиш-иродасида қандайдир ҳамдардликни ҳам ичига қамраб оладиган ўзгариш бўлиши зарур. Лекин нима?

Ҳозиргина қутулиш деган сўзни ишлатдик. Нимадан қутулиш? Нуқсонлардан, адашишлардан қутулиш! Лекин бу қандай рўй беради? Умуман бунинг иложи борми? Умуман ер юзида инсон онгидан ўзга онг борми? Инсон онгидан фарқли бошқа онг мавжуд бўлса, у қанақа онг? Азалий камчиликлари, нуқсонларидан, "хом сут эмганликдан" қутулишга ожиз бўлса, ундан инсон онгидан ташқаридаги онг бунга қодирми?

(Давоми 2-бетда)

ГЕОГРАФИЯМИ, АДАБИЁТ?

ЁКИ МУҚОВА ИЧИДАН БОШҚА ДАРСЛИК ЧИҚҚАН КИТОБ

Ўғлим 6-синфда ўқийди. Сотувда тополмаганим учун шу пайтгача унга география дарслик китоби олиб беролганим йўқ эди. Яқинда шу китобсиз қийналаётганини, бу дарслик кўпчиликда йўқлигини яна айтиб қолди. "Нима қилай, ҳеч қаерда йўқ экан. Ҳозирча ўртоғингдан олиб ўқиб турғин, унда янгиси бор, яқинда олган деганding-ку. Чиқиб қолса, олиб бераман, қараб юрибман" дедим унга. Синфдоши Нуриддин китобни берибди ва "ма, ичида бўлса ўқийвер" деб ҳазиллашиб қўйибди. Ўғлим янги мавзуни айтяпти шекилли, китобда шу betлар тушиб қолгандир, шунақаси ҳам бўлиб туради, борларини кўчириб турай деб ўйлаб китобни олибди. Лекин ундан умуман фойдалана олмабди. Чунки... "унда бир варақ ҳам географияси йўқ"лигини эшитиб ажабландим! китобни қўлимга олдим. Муқовасига «Материклар ва океанлар табиий географияси» 6-синф учун деб ёзилган дарслик ичига 6-синф адабиёт дарслиги бутунича жойланган, чиндан ҳам, муқовасини ҳисобга олмаганда, унда бир варақ ҳам география мавзуси йўқ эди. Қизиғи, унинг муқоваси "Меҳнат" нашриёти (2002 йил)га, адабиёт дарслиги эса "Ёзувчи" нашриётига тегишли эди. Янаям ажабланарлиси, фақат қаттиқ муқоваси географияга тегишли бўлган бу китобнинг адабиётга доир варағида, яъни адабиёт дарслигини ким чоп этганлиги (56-шартнома, 2002 йил), нусхаси каби маълумотлар ёзилган бетида "Кутубхона фонди учун, савдога чиқариш ман этилади" деб лотин ёзувида ёзилган эди, бу ҳолатга очиғи, мен умуман тушунмадим. "Ман этилган" адабиётнинг ичини ҳеч ким суриштириб, изламаганмикин?

"Ўртоғинг бу китобни қаердан олибди?" деб сўрадим. Кейинчалик уни Чорсу бозорининг метро олдидаги сотувчилардан шу йил август ойи охирларида харид қилишганини эшитдим. Тўғри, ўша пайтларда у ерда вақтинчалик «Мактаб бозори» савдоси ташкил этилганини мен ҳам ҳамма қатори кўрган эдим.

Қўлимиздаги "География"нинг муқовасига 1545 сўм экани ёзиб қўйилган, бир томони, ота-она учун битта китобга ҳазилкам пул эмас бу.

"Меҳнат" нашриётига борсак, буни география дарслигига алмаштириб берармикин, пулиям қиматгинада, деб ўйладим. Бу китобдан блоклаб шундай чиқиб кетган бўлса ҳам керак, босмахонада бир доналаб босмайди-ку. Чекка бир қишлоқдаги ўқувчига қийин бўлар экан-да. Қандай келиб кетади.

Хуллас, суриштира бошладим. Лекин 6-синф география дарслигидан ҳеч қаерда қолмаганлигини, бу китоб бу йил чоп этилмаганлигини эшитдим, ҳатто нашриётнинг ўзида ҳам бир дона йўқ экан, сўрасангиз пулини қайтариб бериши мумкин дейишди. Демак, географиядан дарслик ололмай қолган барча 6-синф ўқувчилари бу йил шу китобни ўқий олмайдилар. Чунки режага янгидан киритилса ҳам бу дарслик 2004 йилнинг ўрталарида нашр қилиниши мумкин. Бизга ўхшаб бу китобни сотиб олганлар-чи, ҳақиқий география дарслигини ёки сарфлаган пулини қайтариб оладими? Чекка қишлоқдаги ўқувчи балки пулини қайтариб олиш учун пойтахтга келиши шарт бўлар... унда аксинча зарар кўриши аниқда. Бу ёғи, китоби йўқ ўқувчи нима қилади?..

Ўйлайманки, **6-синф география дарслигини тезда қайта нашр қилиш, етарли миқдорда сотувга чиқариш жуда зарурдир.** Фақат муқовалаш ишлари билан шуғулланувчилар бу гал эътиборлироқ бўлишса, айниқса камёб бўлган 6-синф географияси муқовасининг ичи бошқа китоб чиқиб қолмаса, айни муддао бўлар эди. Бу ишга мутасадди кишилар ҳам дарсликлар баҳоси шундоғам қиммат эканлигини, биз ота-оналарга ҳамма нарса учун пул топиш осон кечмаётганлиги, баъзилар ўқувчи боласига дарсликларни тўлиқ харид қилишолмаётганини унутишмаса, деймиз.

Мунира ОБИДОВА
Тошкент шаҳри

МАВЛОНО ЛУТФИЙНИНГ ҚАБРИ ТОПИЛДИ

Изланиш ва кашфиётлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Буюк аждодларимизнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида дафн этилган жойларини аниқлаш ва ободонлаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида Бобур халқаро фондининг илмий экспедицияси 20 кунлик сафарда Афғонистон мамлакатида бўлиб қайтди.

– Афғонистон ҳудудидаги буюк аждодларимизнинг қабр-мақбаралари ва темурийлар даврига хос тарихий обидаларнинг урушдан кейинги ҳолати ўрганилди ва зарур манбаларни тўплаб келишга муваффақ бўлинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Афғонистон Ислом давлатининг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоий қабр-мақбарасини қайта қуриш тўғрисидаги ташаббусининг бажарилиши билан боғлиқ бўлган Мусалло майдонидаги муҳит ва шароитлар (қабр-мақбаранинг бузилиш ва вайронага айланиш сабаблари)ни ўрганиш ва аниқлик киритиш ишлари олиб борилди.

– Мамлакатимиз раҳбари ва Афғонистон, Эрон давлатлари Президентлари билан имзо чекилган шартномаларда кўрсатилган йўналиш – Термиз, Мозори Шариф, Шибирғон, Маймана, Ҳирот, Тойибот, яъни денгизга олиб чиқувчи бўлажак йўлни автоуловда босиб ўтиб, у ердаги халқлар билан учрашувлар ўтказдик, ушбу йўлнинг аҳамияти, Алишер Навоий ва бошқа буюк аждодларимизнинг қабр-мақбаралари ободонлаштириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашдик. Улар Ўзбекистон халқига, давлатимиз раҳбарига ўз миннатдорчиликларини билдириб, дуолар қилдилар.

– Сафар давомида Мозори Шариф, Балх, Шибирғон, Маймана, Ҳирот, Қандаҳор, Ғазна, Қобул, Бомиён, Таххор, Қундуз, Ишкамиш, Тошқўрғон шаҳар-вилоятларида ва кўп қишлоқларида бўлиб, буюк аждодларимиз Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Камолиддин Бехзод, Боборахим Машраб, Мавлоно Лутфий ва бошқа улуғ сиймоларимиз қабрларини зиёрат қилиб, улар ҳақида илмий изланишлар олиб бориб, керакли маълумотлар тўпланди.

Хусусан, ўрта асрнинг машҳур шоирларидан, Алишер Навоийнинг устоз (замондош)и ўзбек ва форс тилида ижод қилган сўз устаси Мавлоно Лутфийнинг изсиз йўқолиб кетиш даражасига етиб қолган қабрини экспедициямизнинг ушбу йўналиши давомида топишга муяссар бўлдик. Мавлоно Лутфий Ҳирот шаҳридан 30-35 чақирим шимол тарафдаги Деҳи Канор қишлоғи билан туташ Бутаталай даштидаги «Шаҳзода Қосим» қабристонига дафн этилган экан.

Албатта, қабристонда қабрлар кўп бўлиб, айнан Мавлоно Лутфийнинг қабри қайси эканлиги номаълум эди. Кун бўйи олиб борилган изланишлар натижасида девор билан қўрғонланган қабрларнинг биридан бир метрлар чамасида кўмилиб кетган ёдгорлик тошни топдик, уни ювиб тозалаганимиздан сўнг «Мавлоно Лутфий Хиравий» деган ёзувни ўқидик. Шу кун Ҳиротга қайтиб, сангторошларга «Бу оромгоҳ пок Аллоҳ лутфи дарёсининг ғаввоси, урфонга элтувчи ғазал иқлимининг султони, ҳазрати Лутфий Хиравийникидир» деган сўзлар битилган мармар плита тошини тайёрлатиб, эртасига Мавлоно Лутфий қабрига олиб бориб, ўралган қабр деворини токчасимон ўйиб ёдгорлик тошини жойлаштирдик. Шу билан биз Мавлоно Лутфийдек буюк шоир қабрининг йўқолиб кетишининг олдини олгандек бўлдик. Қабристонга қаровчи шайхга, Деҳи Канор қишлоғи аҳлига ва бошқа афғонистонлик зиёлиларга Мавлоно Лутфий мозорини танитиб, хайрли иш қилгандек ҳис этдик ўзимизни.

Шунингдек, Бобур халқаро фонди Абу Райҳон Беруний, Боборахим Машраб ва бошқа буюк аждодларимиз қабрларини тиклаш, уларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик тўғрисида маҳаллий ҳокимият раҳбарлари билан келишиб олдик.

Экспедиция давомида илмий-маданий манбалар тўплаш билан бир қаторда «Афғонистон тарихи», «Ҳирот тарихи», «Ғазна тарихи», «Шоҳ Машраб» ва «Бобурнома»нинг туркий забон «Пешавар» нусхасини қўлга киритиб, ватанга олиб келишга муяссар бўлдик.

Илмий экспедициямиз сафари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида, Республика маънавият марказида, Республика «Камолот» ёшлар клуби ва бошқа жойларда, телерадио, матбуот саҳифаларида батафсил ахборотлар берилди ва берилмоқда.

Бобур халқаро фондининг илмий экспедицияси ўз имкониятларидан келиб чиқиб, келажакда буюк аждодларимизнинг номларини абадийлаштириш, мозоротларини ободонлаштириш, улар қолдирган бой, илмий-маданий меросларни тўплашдек эзгу ишларни давом эттиришни режалаштирган.

Зокиржон МАШРАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати, Бобур халқаро фонди раиси

2 БЕТДА ПУЛИНГИЗ ЎЗИНГИЗДАМИ?

ЕР ЮЗ ЎҚИНИ ТИКЛАМОҚДА 3-БЕТ

"НАЗАД"НИНГ ЎЗБЕКЧАСИ НИМА? 4-бет

Бизга жавоб берадилар

"ҚЎШИМЧА КЕЛИШУВ"ЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Фарғона вилоят прокуратураси томонидан "Миллий тикланиш" газетасининг шу йил 19 август сонида чоп этилган "Имкониятсиз банклар ва... ҳуқуқсиз мижозлар" мақоласида келтирилган иш ҳақи тўловларидаги муаммоларга оид ҳолатлар ўрганиб чиқилди.

Мақолада асосан банк муассасалари мижозлар эҳтиёжи даражасида нақд пул тушумига эга бўлмаганликлари оқибатида уларни нақд пул билан ўз вақтида таъминлай олмаётганликлари, айрим банклар мижозларнинг ҳуқуқларини камситаётганликлари, иш ҳақлари тўланишида узилишлар рўй бераётганлиги каби муаммолар кўтарилган.

Вилоят прокуратура идораларининг иш ҳақи тўловлари тўғрисидаги қонунлар ижроси устидан назоратига оид амалиёти ва мазкур ўрганишда тўпланган таҳлилий маълумотлардан кўринадики, мақолада келтирилган ҳолатлар вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳақиқатда мавжуд бўлиб, уларни бартараф этишга қаратилган тегишлича чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

2003 йил 1 сентябр ҳолатига вилоятдаги мониторинг ўтказилган 183 та хўжалик юритувчи субъектлар бўйича ойлик иш ҳақидан қарздорлик 6714969 минг сўмни ташкил этган.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини талаб даражасида ташкиллаштирмаганликлари учун вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Иноятов ва Марказий банкнинг вилоят бошқармаси бошқарувчиси С. Усмоновлар қонунбузишликлари бартараф этиш чораларини кўрмасалар, қонуний жавобгарликка тортилишлари тўғрисида расман огоҳлантирилдилар.

Мақолада келтирилган бошқа ҳолат, яъни "Пахтабанк"нинг Ёзёвон туман бўлими томонидан банк хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларга "қўшимча келишув" киритилиши масаласи ўрганилганда қўйидагилар аниқланди. "Пахтабанк"нинг Ёзёвон туман бўлими мижозлар билан тузилган асосий шартномаларга "қўшимча келишув" ишлаб чиқиб, унда асосий шартноманинг 5, 3-бандида белгилаб қўйилган "мижоз"нинг иш ҳақи ва бошқа эҳтиёжларига ўз муддатида нақд пул етказиб берилмаганлиги учун Банк устав сармоясининг 0,005 фоизи миқдорида жарима тўлаши тўғрисидаги талаб ўзгартирилиб, "нақд пул билан таъминлаш банк имкониятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши" белгилаб қўйилган. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармаси мазкур "қўшимча келишув" мижозларнинг қонуний манфаатларини камситилишига олиб келиши мумкин, деб ҳисоблаб, уни бекор қилиш ҳақида кўрсатма берган. Шунга кўра "қўшимча келишув"лар 20.06.2003 йилда бекор қилинган.

Жорий йилнинг 8 ойида вилоят прокуратураси идоралари томонидан иш ҳақларини тўланишига оид ўтказилган текшириш ва таҳлил натижаларига кўра 157 та тақдимнома, 89 та огоҳлантирув, 57 нафар шахсга нисбатан интизомий, 371 нафар мансабдор рахбарларга маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишлар, 5 та жиноят иши ва иш ҳақидан 781, 447 млн. сўм қарздорликни ундириш бўйича 234 та даъво аризалар қўзғатилган.

Мазкур йўналишдаги назорат ишлари мақсадга йўналтирилган ҳолда изчиллик билан давом эттирилмоқда.

М. А. Усмонов,
Фарғона вилоят прокуроринг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси

Акс садо

ПУЛИНГИЗ ЎЗИНГИЗДАМИ?

Танқид ҳеч кимга ёқмайди, бу бор гап. Ўзини ниҳоятда одилона, ҳамма нарсага холис қаровчи, тўғрисўз деб биладиган, "айбимни тан олишга ҳамиша тайёр тураман" дейдиган кишилар, айниқса, бирор мансаб эгалари ҳам ўринли бўлган кичкинагина аччиқ гапни шундоқлигича тўғри қабул қилолмайди. Одамнинг табиати ўзи шунақа. Танқидку ўз йўлига, деймиз. Лекин оддийгина мулоҳаза-чи? "Нега ундоқ бўляпти? Мана бундай бўлса яхши бўлмасмикин?.." йўсинидаги самимий мулоҳазалар ҳам, афсуски, баъзида худди танқид сингари қабул қилинади. Буниси анчайин жиддий масала, ахир журналист танқид қилар ёки мулоҳаза юритар экан, мақсад муаммони юзага келтирувчига эмас, шу муаммонинг ечимини биргалашиб топиш, уни ҳал қилишга, бошқа такрорламаслик, давом эттирмаслик чораларини кўришга қаратилган бўлади, шундагина танқид ҳар бир соҳада олға силжишга амалий кўмаклашади.

Танқидни ҳамма бирдай ўз мазмун-моҳиятида тушунмаслиги боисиданми, баъзан ҳамкасбларимиз орасида мудроқлик, муросасозлик ва шунга ўхшаш жиҳатларга мойил кишилар кўпайиб кетмаяптими, деган савол туғилади. Одамларни ўйлантириб турган муаммоларни дадиллик билан холисанилло ёритишдан кўра кимларнингдир кайфиятига, буни қандай қабул қилишига қараб иш тутиб қолмаяптими экан? Айрим газеталарга кўз югуртирсангиз, телевизорни бурасангиз, кўпинча ҳаётимизда ҳеч қандай муаммо-ю масалалар йўқдай таассурот уйғотади, бундан мухлисларнинг уларга эътибори пасая боради. Аслида бундай лоқайдлик, чуқур таҳлилларга ҳафсала қилмаслик ислоҳотларимизга ғов бўладиган иллатларни урчитиб, чигаллашиб кетишига олиб келади, холос.

Фарғоналик журналист Б. Мўминовнинг "Миллий тикланиш" газетасида чоп этилган "Имкониятсиз банклар ва... ҳуқуқсиз мижозлар" сарлавҳали мақоласида бугунги кунимизнинг энг долзарб муаммоларидан бири тилга олинибди. Чиндан ҳам ким билан суҳбатлашиб қолсангиз, уларнинг аксарияти банкларда нақд пул тақчиллиги ҳамон ечимини топмаётганини қайта-қайта айта бошлайди. Нақд пул айланмасини тўғри йўлга қўйиш соҳасида олиб борилаётган жуда катта ва машаққатли фаолиятни таъкидлаган ҳолда яна шуни айтмоқ жоизки, жуда кўплаб банк муассасалари юзага келиб қолган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан кўра "юқори"дан кўрсатма кутиш билан кунни ўтказиб юборишяпти. Келинг, оддий саволлар қўяйлик. Ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини бериш нега кечикиб қоляпти? Нафақахўрлар нафақа пулларини вақтида ололмаётганининг қандай сабаблари бор? Банкларга мижозлар қўйган пул нега керагича банкда турмаяпти. Худди биров олиб қўяётгандай ажаб ҳол-да. Бундай саволларга улар осонгина қилиб "банкимизда нақд пул йўқ, истасангиз биздан юқорироққа мурожаат қилишингиз мумкин" дегандай мужмал жавоб беришади. Бундан бу банкларнинг пули уларнинг "юқори"сидамикин, дейсиз беихтиёр. Кунда ва кунора маҳалла фуқаролар йиғинларининг бинолари, халқ банки шохобчалари атрофида турнақатор ўтирган нафақахўрларга ногирон кишилар, катта ёшдаги оналарга кўзимиз тушади. Одамларнинг бу каби оворагарчиликларига айниқса кўзимиз кўникиб бораётгани ачинарлидир.

Мазкур мақоладаги фактлар ҳар куни ҳаётимизда учраб турган ҳолатлардир, буни инкор қилиш оқни қора дейишдай бир гап бўлур эди, ҳеч ким инкор қилаётгани ҳам йўқ, албатта. Ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, ижодкорлар, яъни бюджетга дахлдор ишчи-хизматчилар маошларини ололмай кўп сарсон бўлиб юрадилар. Банк ходимларининг жимгина елка қисишлари маош илинжида келганларнинг елкасига яна муаммо юкини қўяди. Ҳатто маош кутиб ой-кун санаётганлар ҳақида латифалар тўқишга тушиб кетишади. Лекин бунда бизни ўйлантирадиган яна бир жиҳат бор. Чунки бу каби иллатлар эндигина ўқишни тамомлаб кўксида минг бор орзулар билан иш бошлаган ёшлар онги-қарашида акс таъсир уйғотиши табиий. Олган билимларини ҳаётга тадбиқ этиш учун интилган ёш мутахассиснинг меҳнати илк кунларданоқ шу каби қадрсиз ҳолга учраб қолса, унинг ўз касби билан ҳаётини қуриш ҳақидаги тасаввурларига дарз кета бошлайди, эртаси нима бўлишини жиддий қайғуришга тушади. Қолаверса, бу аҳолининг турмуш тарзи, кайфиятига ҳам маълум даражада таъсир қилмай қолмайди. Биз булар ҳақда ўйлашимиз зарурдир.

Ҳамма вақт ҳамма нарсани ўз номи билан аташ лозим, аниқ сабабларини, шу сабаблар қандай юзага келганини, уларни бартараф қилишни ўртага ташлаш муаммолар ечимига йўл очади. Мижозлар ҳам кўйган пулимиз қаерда экан деб ажабланиб ўтирмайди. Шу билан бирга, ҳар бир ўринли ишда бир мақолада айтилганидек, даъвогар суст бўлмаслиги ҳам муҳимдир. Демоқчиманки, муаммонинг бир неккасини ўзимиздан ҳатаришни ўргансак ёмон бўлмас эди. Ахир муаммо ҳам ўз вақтида айтилмагани, ярани даволаш чоратадбирлари кўрилмагани, дардни ичга ютиб жим ўтирилганидан мураккаблашиб боради, кейинчалик ҳаммага, жамиятга қийинчилик туғдиради.

"МТ" дан шу маънода бу каби бизни ўйлантирадиган, ечимини кутаётган муаммоларни ёритувчи мақолаларни кутамиз.

Рустам БОЙМУҲАММАД

ИРОДА — ОДАМНИНГ ЎЗАГИ

ИРОДА ЭРКИНЛИГИ ВА УМУМАН ИРОДА ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

Онгдан ортиқроқ онг?

Инсониятга берилган илоҳий битикларда ҳидоят баён этилган. Барча англаган, тушунган инсонларга тузик ва йўриқ. Ҳидоят онги инсон онгидан ортиқроқ онг эканлигини тушуниб, ақл билан идрок қилиб бўлармикан? Гап Мутлақ онгга келди.

Одам ўз нуқсонларини ўз истак-хоҳиши билан ислоҳ қилолмаса, тузатолмаса, уни Мутлақ онг эгасидан бошқа ким қутқаради? Мутлақликдан ўзга бунга ким қодир? Онгдан ўзга онг ҳақида ўйлаганда фикримиз шу ерга келиб тўхтайди. Бу тўғрими?

"Одамларнинг кўп эзгуликларга эга бўлишлари уларга асло яхшилик қилишга ёрдам бермайди. Сен тушуна билмоқ ва ҳамдард бўлмоқдан бошқа барча яхшиликларга эга бўлишинг мумкин ва шу билан бирга ашаддий тарзда ёвуз бўлишинг мумкин. Гапнинг пўст калласини айтганда, агар сен аксар яхшиликларга эга бўлмасанг, унда сендан ҳақиқий ёвуз чиқмайди. Диктаторларга ҳам қойил қолиш керак: уларнинг айримлари ўз эзгуликлари билан қарийб Иблиснинг ўзидан ҳам ўзиб кетдилар" (Олдос Хаксли. "Кўп замонлар оша". Бу сўзларни романнинг қаҳрамони Проптер деган тарихчи олим инсон умрини узайтириш муаммолари билан шуғулланиб, каламушлар, ҳайвонлар устида тажрибалар ўтказаётган ёш олим Питер Бунга айтади). Проптернинг муҳокамалари жуда қизиқ. У вақтни потенциал ёмонлик билан боғлайди. Унингча потенциал яхшилик эса вақтга боғлиқ эмас. Яхшиликни у вақтдан ташқаридаги нарса деб билади. Қанча узоқ яшасанг ёмонлик билан — шунча кўп тўқнашасан. Қизиқ жойи шундаки, одамлар нима учундир ҳамиша ёмонлик муаммоси билан шуғулланиб келганлар. Яхшиликка эса ўз-ўзидан тушунарли бўлганлик билан деб қараганлар. Актуал яхшилик вақтдан холи, вақтдан ташқарида. Вақт (замон) — потенциал ёмонлик. Потенциал яхшилик эса фақат замондан ташқарида актуаллашмоғи мумкин. Проптер вақтдан озод бўлиш, истаклар ва кечинмалардан озод бўлиш, одамнинг ўз шахсидан озод бўлишини ҳақиқий маънодаги яхши иш деб ҳисоблайди. Шопенгауэр, Нитше агар шахсга, унинг индивидуаллигига, онгига жуда катта аҳамият бериб қараган бўлсалар, Олдос Хакслининг қаҳрамони одамнинг ўз шахсидан озод бўлишини яхшилик деб қарамоқда. Ранг-барангликни каранг! Проптернинг бу ўта ғаройиб фикрлари Шарқда айрим мусулмон суфийлар, ҳинд файласуфларининг қарашлари ва фикрларига уйғун эшитилади. Проптер ўз фикрини изоҳлаб яна айтадики, вақтга ҳаддан ташқари берилган, вақтга шайдо одамда фанатизм ва қарамлик кучаяди, унда ёмонликка майл зўр келади, у ўз "Мен"лигининг қули бўлиб қолади. Зеро ҳар қандай шахсият бу — зиндон. Актуаллашган яхшилик эса бу зиндондан ташқарида, у вақтдан холи, тоза, манфаатлардан холи онгда мужассамлашади. Гуманитар илм-фанлар, санъат агар озод бўлишга хизмат қилсалар, улар яхши. Агар шахсиятнинг кучайиши учун хизмат қилсалар, унда ёмондир. Идеал эса шахсиятнинг мубоғаали аксланиши. Идеал ҳам агар шахсиятдан халос этса, у яхши. Гуманитар инсон ўз идеалига ҳаддан зиёд содиқ, берилган бўлиши мумкин, лекин бу охир-оқибат ўз шахсиятининг бирон бир томони ёки жиҳатига берилиш бўлиб чиқади. Шахсиятнинг холислиги ўз "Мен"идан холислик эмас. Бошқача айтганда, бу ҳам қарамликка солишнинг бир шакли. Фан ҳам халоскор бўлиб кўринади, аслида Проптернинг фикрича, у ҳам қарамликка олиб боради. Ҳар ҳолда янги қуроллар, бомбалар, самолётлар, ракеталар, термоядро жараёнларининг такомиллашувлари қўрқинч, қарамлик, фатализм ва нафратни кучайтиради.

Бўлар бари инсон иродаси билан боғланган ҳодисалар. Ирода эркинлиги. У қандай ва ҳатто қаергача? Ва яна у қаерда? Одамнинг ичидами? Ё ташқаридами? Ташқи муҳитдами? Ташқи муҳит билан чегараланганми? Ёки дилдами? Қалбдами? Юракдами?

Дилда, қалбда, юракда у мутлақ ҳокимми? Мутлақ озодми ёки дилда ҳам чегараланганми? Чегараланган бўлса, чегара эгаси ким? Чегараланмаган бўлса, бунинг ҳукми кимда? Албатта, инсон мутлақ эркка эга эмас. Туғилиш ва ўлиш мавжуд экан, мутлақ эркнинг бўлмаслиги табиий. Лекин олам, коинот мутлақ уйғун ирода билан бино қилинган. Одамнинг вақти туғилиш ва ўлиш билан ўлчанган экан, одам ўлса, унинг вақти ҳам ўлади. Лекин одам тириклигида кўрсатган ирода — эркин ирода у ўлгандан кейин ҳам узоқ замонлар яшайди. Бошқаларнинг иродаси, балки замонларнинг иродасига таъсир кўрсатади. Бу умуминсониятнинг иродасини шакллантирадиган ирода. Чунончи, Шекспир, Данте, Навоий, Суқрот, Гераклит, Пушкин... иродаси шундай умуминсоният иродасини шакллантирганлиги шубҳасиз. Пайғамбарлар, валийлар, одамзод маънавияти, маърифати ва ақлининг шакланишига таъсир кўрсатган башарият устозлари, муаллимларининг иродаси ана шундай ирода...

Умуминсоният иродаси инсониятни у қаерда яшамасин, қаерда туғилмасин, қайси иррқа мансуб бўлмасин, бирлаштириб туради. Инсоният бошига хавф тушган кезларда бирлашади. Акс ҳолда инсоният фашизм вабоси ёхуд термоядро жалалари остида аллақачон йўқолиб кетган бўларди. Бу умуминсоният иродаси уруш офатларига қарши курашда, диний, миллий, ирқий терроризмнинг хавфини биргаликда бартараф этишда, табиат экосистемаларини омон сақлаш учун ҳаракатларнинг актуаллашувида, технологияларни ер юзи табиатида кечадиган чексиз жараёнларга оқилона мувофиқлаштиришга уринишларда тобора кучайиб кўзга ташланмоқда. Табиат бугун инсониятдан ўзини сақлаш, муҳофаза этиш йўлида фаоллашувларни тобора қатъият билан талаб қилмоқда.

Ё ҳаёт, ё мамот... Одамзод бундан келиб чиқадиган барча зиддиятли қарама-қарши ҳодисаларнинг бирини танлашга мажбур. Дунё океанлари тобора ифлосланиб бормоқда. Ернинг Қутбларидаги муз қатламлари юпқалашмоқда. Мўъжизавий Тож Маҳал юксаклигидан кўрдим. Буюк муқаддас Жамна бўтанадан ҳам бўтанароқ бўлиб, қора балчиққа айланиб базўр оқмоқда. Улуғ дарёлар инсоният мағзавалари, мойли чирк бўтаналаридан нола фарёд чекмоқда. Бундай ҳодисалар, санайверса, ҳар бир мамлакатда адоғи йўқ.

Бундай шароитда фақат инсоннинг ягона иродасигина офат, фалокат, турли фожиаларга қарши туролади, уларга бас келолади. Зотан ҳар бир одамнинг фаол иродасидан умуминсоний, олий мақомдаги ирода туғилади. Одамга ато этилган ирода эркинлигидан кўра улуғроқ куч йўқ. Қадим файласуфлар ва кўҳна динлар бари бу куч — инсон ирода эркинлигининг нақадар ҳайратомуз қудратга эгалигини билган ва бу қудратни изга солишга, яратувчилик, бунёдкорликка жалб қилишга, қолаверса, уни бутунлай жиловлашга ва ҳатто турли усуллар, йўллар билан кишанлашга, асоратга солишга, бандалик ва бандликда тутиб туриш ҳаракатида бўлганлар. Инсониятнинг онгли тарихи мана шу ерда маърифат ва жаҳолат, маданият ва фанатизм, илм ва хурофот тамомила қоришиб, талашиб, майдон суришиб ётганлигини кўрсатади.

Диққатроқ қилиб қаранг, барча динлар ва барча тоифадаги эътиқодлар диндорликлар инсон ирода эркига мурожаат этади. Шу ирода эркидан туғилади, унга суянади. Зеро улар ягона олий ирода — Ягона Яратувчининг Мутлақ иродасидан бино бўлгандир. Қуръонда инсон: доим эҳтиросларга мавжида, у ўз ранг-баранг эҳтиросларининг қули. Шу билан бирга доим четга чиқиш, адашишга мойил. Ахир инсон ожиз яратилганда! Аллоҳ ҳамиша унинг ахволини енгиллатишга ҳаракатда бўлади ("Нисо", 32-оят). "Сиз ҳаёт, жанг қийинчиликларидан қўрқиб ёки безиб ўлимни истаган бўлишингиз мумкин. Лекин ҳар бир жон фақат Аллоҳнинг изни-ижозати, унинг белгилаган муҳлатидагина ўлмоғи жойиз" ("Оли Имрон", 137, 139-оятлар) "О имон келтирганлар! Ўз-ўзингизни ўлдирманг!" ("Нисо", 33). Қуръонда таъриф-ланган инсон доим иккиланиб туради ("Ал-маориж", 19), у шошқалоқ, беқарор. Лекин инсонга нажот йўли беркилган эмас. У бу иродасизликдан фақат имон эгаси бўлибгина халос бўлиши, ёки уларни енгиб ўтиши мумкин. "Ал-исро" сурасида: "Ҳар ким ўз ҳолича амал қилур. Парвардигорингиз тўғри йўлдаги зотларни жуда яхши билур" (83-оят). Шундан сўнг сал қуйироқда "Сизларга жуда оз билим берилгандир" дейилади (85-оят). "Бас хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин" (29-оят). Қуръон ирода эркинлигини шундай талқин қилади. Инсон ҳавойи нафсга, исрофгарчиликка, ғофилликка берилган ва шулар боис золимлик ва куфрга кетган. Бу залолатлардан қутулиш йўли Қуръон ҳақиқатига имон келтиришдир. Мутлақ ирода ва мутлақ ҳукм фақат Аллоҳдадир. "Сизлар фақат Аллоҳ хоҳлаган вақтдагина хоҳларсизлар" ("Инсон", 30). Ҳавойи нафсга берилганда, бахтсизликлар одатда гўёки бахтга интилишдан туғилади. Бу борада даъволар қанча катта ва кучли бўлса, тақдир ўйинларини қарангки, бахтсизлик ҳам шунча кенгайиб боради. Шопенгауэр ҳам бахт кетидан қувиш бахт эмас, деган фикрни айтади. Унда нега биз фарзандларимизни бахтга, бахтли бўлишга ундаймиз. Бутун тилакларимизни шунга қаратамиз. Болаларимизни шунга қўниктиришимиз тўғрими? Бу росмана ҳавойилик эмасми? Муҳими: одамнинг ўзини яратиши, ўз ҳаракатларини яратиши ва уларни бошқариши эмасми? Муҳими: ўзига масъул, ўз ҳатти-ҳаракатларига масъул бўлиш эмасми? Одам боласи қоя бўлиши мумкин, минора бўлиши, қўрғон бўлиши мумкин, лекин у барибир ўта ожиз ва ҳимоя муҳтож. Одам боласи "Мерседес" ёки "Конкорд"да қўшдан ҳам тез учиши, қитъалардан қитъаларга, сайёралардан сайёраларга кўчиши, Муштарийни суратга олиши мумкин. Лекин у асли ожиз, ўта нозик ва ҳимояга муҳтож зот. Ана шу ҳимоя унинг иродасида, ирода эркинлигида. Гераклит деган буюк файласуф ўтган. У худди афсонавий Геракл каби ажойиб қаҳрамонликлар қилган. У ҳавойи нафсларини енгиб ўтиш ҳақида шундай гувоҳлик қолдирган:

"Мен лаззатларни енгдим, пулни енгдим, лаззатпарастликни енгдим, қўрқоқликни йиқдим, хушомадни йиқдим, қўрқинч мен билан баҳслашолмайди, кайф менга гап қайтара олмайди, азоб мендан қўрқади, ғазаб мендан қўрқади. Мана менинг курашим". Мана шу бундан уч минг йиллар илгари ирода эркинлигининг юзага чиқиши. Гераклит худомасни худо деб билиш разолатга олиб боради, дейди. Унинг наздида ва тасвирида асил Худо бу Яратувчи: "Қуёшнинг ишлари худонинг борлигига гувоҳ. Кун ва тун унга гувоҳ. Йил фасллари — унга гувоҳ, ер юзида барча ўсимлик, майсалар унга гувоҳ. Ойнинг гардиши — унинг иши, само унга гувоҳ". Худди шунингдек, инсон ҳам олий ироданинг — ҳамма иродаларга сабаб бўлган ироданинг тажассуми ва маҳсули. Навоий коинотнинг қурилиши ҳақида фазовий фикрларкан, "Барчадин ғараз инсон эди" деб айтади ва бу қанчалар кўтаринки бўлиб туюлмасин, беҳад теран маънога эга. Инсон коинотнинг тожи ва бу тож унинг бошига эмас, иродасига қўндирилгандир. Инсон жаранглаб тургувчи лой ва ундан исён ҳамда жаҳолат офати бор. Шунингдек, у тавба қилиш қудратига эга ва маънавияти бирла руҳоний оламларини бошқаради. Унинг ҳаракатларидан кашфиётлар нурланиб чиқади. У поёнсиз зиддиятлар, иккиланишлар, турланишлар ичида яшайди. Шу зиддиятлар ичида ҳазрат Иброҳим каби ёнади ва ирода қудрати билан улардан тирик чиқади. Исони дунёга келтирган ирода билан уни ёғочга қоққан ирода коинотда битта иродадек туюлади. Ҳолбуки бири иблис иродаси — ёвуз ирода, иккинчиси— илоҳий ирода. Улар ягона космик чексизликдан чиққан.

Кўрдингизми, ирода эркинлигининг ўзи ҳам туганмас қарама-қаршиликларга эга. Олам, коинот тинмай айланиб туради. Одам ҳам коинотнинг бир оловли зарраси. У ҳам тинимсиз айланади. Кўҳна туркий тилимиз билан айтганда, тинимсиз эврилишда. "Эврилиш" феъли одамнинг тинимсиз ўзгариб, қарори беқарорлик билан алмашиб туришини кенг ифодалайди. Боболар бу феъл-дан ном ҳам ясаб, айланиб турувчи оламни "эврон" деганлар. "Фалак"ка нисбатан "эврон"да маъно тўлғиноқ ва ҳодисани жуда ёрқин билдиради. Ирода эркинлиги сустлик қилиб биз бу ғўзал сўзимизни унутдик. Яна қанчалаб ғўзал аниқ маънолар ташийдиган сўзларни ёдимиздан чиқардик. Беҳбудий айтмоқчи, асил сўзларимизга нисбатан марқуқлик қилдик.

Ирода эркинлиги — асли бу танлаш, сайлаш эркинлиги, ўз инсоний ҳақ-ҳуқуқларини тўла юзага чиқариш, ўз қурбига монанд оъмолини, интилишларини рўёбга чиқариш эркинликларидир. Инсоний ирода эркинлиги айниқса фақат ожизларнинг иши. Ожиз ҳақиқатан ҳам ямондин қочиб қутулади. Унинг бошқа чораси йўқ. Ямонга қарши туришга, боз устига мабодо тўғри келиб қолса, уни енгишга ожизнинг кучи етмайди, бунга тоқати ҳам уч бермаган. Қочиб қутулиш ожизлар саботи, ожизлик иродасининг бир маънавийгина эмас, ҳатто айтайлик, ижтимоий белгиси ҳамдир.

Лекин кучли, иродали, ўзини таниган, билган, ўзини эл-юрт хизматига чоғлаган киши ҳам ямондин қочиб қутулиш йўлини танлаши керакми? Ёки бунда улус равнақи, эл фойдаси учун бошқа бир ҳаракатлар тақозо этиладимми?

Умуман ямондин қочиб қутулиб бўладими? Замонамиз тили билан айтганда муаммони ечиб бўладими? Хўш, қочиб, унга жойингизни, юртингизни бўшатиб берасизми? Бу каби пассивлик, пессимизм одамзодни кўп тентиратди. Ожизларга олиб келиши батамом исбот топди. Узоқ чўзилган нарса узоқ асоратга эга бўлади. Бу пассивлик асорати ҳали ҳам танларимиздан кетган эмас. У боис зиёлиларимиз Муқимий, Фурқат, Завқийлар қанчалар ёниб куйган эдилар. У боис қанчалар ўртаниб ижтимоий азоб бўҳронларини бошларидан кечиргандилар жадид маърифатпарварлари. Йигирманчи аср сўнгида бу асорат билан ҳайрлашиб улгурдикми? Улгурганимизда эди йигирманчи асрнинг тўқсонинчи йилида шоир ёзмаган бўларди:

Исканжадан етим зурриёд
Қатағондан бева қолган тул
Кўҳна замин қаъридан фарёд
Юрагингда макон тутган қул

Бургут эдинг парвози баланд
Сенга ҳам ёр зулфиқор, дулдул
Нечук увол мусича монанд
Юрагингда макон тутган қул...

(Эркин Воҳидов. "Юрагингда макон тутган қул")

Ирода эркинлиги эмас ирода сустлиги ҳаётнинг йўриғи қилиб олинса ва яна бу турли-туман баҳоналар билан оқлана бошланса, пассивлик қашшоқликнинг онасидай яшайверади, фақат унинг кўкраги қуриган, ундан ҳарқанча ўринганда, бир томчи оби ҳаёт чиқмайди. Лекин асли бундай эмас эди. Туркий қадим битикларимиз қанчалар жанговарлик, ирода жасорати билан тўлганлигини маърифатли ўқувчиларимиз яхши биладилар. Ислом ақидаларида ҳам илгари бошқа йўналиш, бошқача қарашлар, фикрлар ҳам бор эди.

"Аъробий сўради:

— Эй, Оллоҳнинг Расули, туяни боғлайми ёки эркин қўйиб, таваккал қилайми?

Расул буюрдилар:

— Боғла. Таваккал қил!"

(Абу Хомид Ғаззолий. "Мукошафатул қулуб". М. Аъзам таржимаси)

Туяни боғлаб қўйиш, яъни йўқотиб қўймаслик таваккулдан олдин келаётганлиги кўп ғайратли ҳаётий фикрдир. бунда ихтиёр, ирода бирламчи ҳодиса, Ғаззолий асарнинг "Таваккал — ризқ" бобида яна бир ўта ибратли воқеани келтиради. У бизнинг муҳокамаларимизни тўла қувватлантиргани учун бу ерда тўлиқроқ келтиришни лозим кўрилди:

"Шақиқ Балхий ризқни таъминлаш учун ишламас, ризқ топишга баҳона изламасди. Бир пайт ҳаж сабаб бўлиб, Маккада Иброҳим ибн Адҳам билан учрашиб қолди. Иброҳим ибн Адҳам ундан, ризқ топиш учун бундай ҳаракат қилмаслигингга сабаб нима, деб сўради. Шақиқ Балхий ҳикоя қилди:

— Қачонлардир бир пайт чўл сари йўлга чиққандим. Чўл ўртасида қаноти синиқ бир қушни кўрдим. Ҳаракат қилмас, учолмас эди. Ўзим-ўзимга: "Қани, кўрай-чи, бу қуш қаердан ва қандай озиқланаркин!" — дедим ва бироз нарироққа бекиниб, кута бошладим. Туйқусдан оғзида чигирткаси билан бир қуш келди ва чигирткани қаноти синиқ қушнинг оғзига солди. Шундан кейин мен ҳам ўз-ўзимга дедим:

— Бу соғлом қушга қаноти синиқ қушни таъминлатган Оллоҳ мени ҳам таъминлагай!

Кейин ишлашни ташладим, фақат ибодат билан банд бўла бошладим. Шунда Иброҳим ибн Адҳам деди:

— Нечун сен ногирон қушни таъминловчи соғлом қуш бўлмайсан?

Ҳаракат қилувчи қуш бўлсанг, янада фазилатли ва янада шарафлироқ бўлардинг! Эшитмаганмисан Расулуллоҳ шундай буюрганлар-ку:

— Берган қўл олган қўлдан хайрлироқдир.

Ҳамда доимо ҳар ишда ҳар нарсанинг энг юксак даражасига толиб бўлмоқ мўмин учун шон-шараф ҳисобланади. Чунки Оллоҳнинг солиҳ бандалари мартабага фақат шу тарзда юксаладилар.

Иброҳим ибн Адҳамнинг бу сўзларини эшитган Шақиқ Балхий янглиш йўлда юрганини англаб етади, унинг қўлини ўпади ва:

— Сен менинг устозимсан! — дейди". Шу тариқа яшашга баҳона излаш ва ўз иродасининг эгаси бўлиш ҳар қандай инсон учун шараф даражасида экан.

Одамнинг ўз иродасини очиши ва уни намоён қилиб яшашга интилиши унинг ҳаёти ва умргузаронлигида шубҳасиз ғўзал кашфиётга айланади.

Ирода эркинлигида не-не гулшанлар очилишга шайланиб туради. Гераклит айтгани каби "табиат ўзини яширишни севади". Ирода табиат бўлгани учун у ҳам не ажабки яширинишни севади. Ким иродасини очмай яшади... уни яшамади денг.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ИНКОР ВА ТАСДИҚ

"Илон ўргатувчи илонни ёш бола олдида ўргатмасин. Бола илон заҳарли эканлигини билмай тақлид қилади".

ҒАЗЗОЛИЙ



Тоғбеги

Зомин туманидаги «Халқ боғи» ўрмон хўжалиги тоғбегиси Шаҳобиддин Маматқуловга бу ердаги ҳар бир тошу дарахтгача таниш бўлиб қолган.

Суратда: Ш. Маматқулов

РУҲОНИЯТ МАВЖЛАРИДА

"Ҳар қандай нарса ҳам яқинлашганинг сайин яхшироқ билинади, худди шундай Оллоҳни ҳам Унга яқинлашгач, таний бошлайсан. Оллоҳни, Унинг қонунларига бўйсуниб қилаётганинг — эзгу амалларинг билан танийсан. Оллоҳни танишга қанчалар кўп интилганинг сайин, Унинг қонунларини шунчалар итоат ила адо этаверасан. Қонунларини қанчалар итоат-ла яхши бажарсанг Оллоҳни шунчалар яхшироқ таний бошлайсан. Оллоҳ қонунларига бўйсуниб яшаш ва Уни таниш бир-бирини шу зайл тўлдириб боради".

Л. Н. Толстой.

Не ажабки, камина 2001 йил 31 май, пайшанба кунидан бошлаб Қул Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратнинг руҳий устозликлари-тарбияткорликларида ҳикматлар ёза бошладим.

2001 йил баҳорида, ўз фикримча, тирикчилик ташвишларидан-да иборат бўлмиш кулранг ҳаётим осмонида Қуёш балқиб чикди. Ул Қуёш кўнгил мулкимнинг энг олис бурчларига қадар ёриштирди. Нима учун инсон бўлиб яратилганлигимни, руҳим, қалбим, онгим вазифаларини, бахту бебахтлигим, ризқимнинг танглиги ё кенглиги тақдиримга битилганлигини, ризо, сабр, шукур мевасини англатди. Яратган Эгамга элтар йўлларни ва бу йўллардаги пасту баландни, сўқмоқлар-у тиканзорларни кўрсатиб, умрим сарбонига айланди. Ва Ул Қуёшнинг бетама, саховатли нурларидан баҳра олган, унинг ҳароратига исинган биргина камина эмас, минглардирким, Замин бағрида чарақлаб, одамларни ҳидоятга чорлаётган, ҳам жисмоний, ҳам руҳий хасталикларига шифо бераётган Қуёшнинг нурларини ўзгаларга ҳам илингим келди-да, ҳозир ўқиётганингиз сатрларни ёза бошладим.

Ҳа, ўртамиёна журналист ўтириб ҳам, туриб ҳам, юриб ҳам ҳикматлар тўқий бошлади. Шеъриятдан мутлақо бехабарман, дейиш унча тўғри келмас, зеро ҳозирда сувчечакдек бодраб кетган қофиябоз шоирчалар каби тўқиб ташлайвераман. Зўрма-зўраки жўқиёна тўқима шеърлардан ким ҳам баҳра оларди, дейсиз! Худди шунинг учун ҳам шеърият аталмиш муқаддас даргоҳ остонасидан ҳатламакни, ўртамиёна бир шоир, ёзганлари эсда қолмайди, деган "олқишлар"га муносиб бўлмакни камина ўзига раво кўрмади. Тошкент Давлат университети деб аталмиш олий даргоҳнинг журналистика факултетида беш йил ўқиб, олган дипломингни оқламоғинг керак! Бу ўз олдимга қўйилган мақсадни нечоғли уддалай олдим экан, худо билади. Ҳар холда ҳаётимда 180 градусга бурилиш юз берган 2001 йилнинг апрелига қадар виждонимга хиёнат қилмай яшашга интилдим. Виждон деганда шунгача бўлган ҳаётим босқичларида камина ўзининг октябрят, пионер, комсомол ва ниҳоят коммунист виждонини назарда тутганлигини инкор этолмайди. Кўрқманг, азизлар, нақадар даҳшатли деб таъриф этмасинлар ўтган кунларимга тош отмайман. Зеро ҳақиқат ва ёлғонлари, эзгулик ва қабоҳатлари, яхшилик ва ёмонликлари, қувончу ташвишлари ила ўтмиш кунлар менинг ҳаётим эди ва умр китобимнинг бу саҳифаларини йиртиб ёинки ўчириб ташлашга қодир эмасман. Айни

(Давоми 4-бетда)

Европанинг Испания, Италия, Германия сингари қатор давлатлари қишда ғоят қалин ёққан қор, баҳорги тинимсиз ёмғир туфайли, сув тошқинлари ичида қолди. Ҳатто Германиядай қудратли мамлакат шаҳарларини олган сел баландлиги саккиз қаватли уйларга етди. Ҳа, сувнинг қаҳри қаршисида цивилизациянинг энг замонавий, энг қудратли, энг оқил техникалари ҳам ожиз қолди.

Қуёшнинг, ойнинг чиқиш, ботиш ўрни ўзгарди. (Қуръони Каримнинг «Фотир» сурасидан: «13. Оллоҳ кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур. У қуёш ва ойни ҳам сизларнинг манфаатингиз учун бўйинсундириб қўйгандир – ҳар бири муайян муддатгача (яъни қиёмат кунигача ўз фазосида) жорий бўлур. Ана шу Оллоҳ сизларнинг Парвардигорингиздирки, барча оламларга подшоҳлик ёлғиз Уникидир»).

Дунёвий миқёс олган табиат ҳодисаларининг сабабини мушоҳада қилайлик. Ер шарининг модели глобусда сайёрамизнинг ўқи эгилган ҳолатда тасвирлангани ўқувчилик давримиздан яхши таниш. 1991 йилдан бошлаб Ер эгилган ҳолатидан ўз магнит ўқини жанубий-ғарб томонга 30-32 градусга тикламоқда. 20 йил (1982-2002 йиллар) мобайнида қутбларнинг силжишига оид коинотдан олинган маълумотларни тадқиқ этган Париж Ер институти ҳамда Копенгаген фазо илмий институти олимлари ҳам Ернинг магнит майдони билан боғлиқ ҳодисаларни тасдиқ этиб, коинот миқёсидаги бу жараёнда Шимолий ва Жанубий қутблар ўзаро ўрин алмашади, дея бонг урмоқдалар. Шмидт номли Ер физикаси институти дериктори А. Диденконинг айтишича, магнит қутбларининг ҳаракати Ернинг «ички двигатели», яъни ядроси – қалбининг иш тартиби ўзгариши туфайли тезлашмоқда. («Тасвир» газетасининг 2003 йил, 11-сони).

Ҳа, биз ерликларга боғлиқ бўлмаган Ер магнит ўқининг тикланиши Коинот қонунлари асосида буюк шиддатли жараёнга айланди. Бунинг оқибатида Қуёш системасидаги – Меркурий, Венера, Ер, Марс, Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун, Плутон сайёраларининг ўқлари, тортишиш кучи ҳамда Қуёшга нисбатан (табиийки, Ерга нисбатан ҳам) жойлашув нуқталари ўзгарди. Ойнинг ҳам Ерга нисбатан азалий ўрни ўзгарди. Кечки осмонга диққат билан қарасангиз, ўзгаришлар гувоҳи бўласиз.

Ўз магнит ўқини Коинот қонунлари асосида тиклаётган Ердаги ўзгаришлар сайёра бағридаги ҳаётга ҳам таъсир кўрсатиши муқаррардир. Ернинг ўз ўқи атрофидаги айланма ҳаракат тезлиги ортди, 1991 йилгача сайёранинг ўз ўқи атрофидаги айланма тезлиги соатига 2000 км бўлса, энди бу рақам соатига 3000 кмга етди. Бунинг оқибатида вақт қисқариб, фасллар алмашинуви 40-42 кунга илгарилаб кетди. Мева, сабзавот, полиз экинлари ғоят эрта етилмоқда. Ҳали куз кирмай, ёз ўртасида дарахтлар барглари сарғайиб тўкиляпти.

Оллоҳ одамзотни Ердан – тупроқдан яратган.

Модомики, тупроқдан ясалган эканмиз, она-Ерда рўй бераётган улуғ шиддатли жараёнлар биз – фарзандларига ҳам таъсир кўрсатмоғи табиийдир. Ернинг улкан чархпалак мисол одатдагидан шитоб айланиши инсон қон айланиш системасини ҳам тез ҳаракатлантирувига сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида сабабсиз сурункали бош оғриқлар кўпайяпти, қон босими кўтариляпти, кўнгил айнаш ҳолатлари рўй беряпти, инсон жисмида қон айланиш жараёнининг тезлашуви таъсирида жигар, юрак сингари ички аъзоларни, асаб толаларини сурункали оғриқлар тарк этмаяпти. Тана ҳарорати тез-тез кўтарилиб, вужуднинг ич-ичидан қизиш ҳоллари кўп учраяпти. Жисмимиз ҳолдан тойиб, кўкрак қафасда оғриқлар туряпти.

Азиз биродар, кейинги йилларда сайёрамиз табиатида ғоят кескин, шиддатли ўзгаришлар, ақл бовар қилмас ҳодисалар рўй бераётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Кун, ҳафта, ой-йиллар кўз очиб юмгунча ўтиб кетмоқда. Қуёш шунчалар қаттиқ қиздиряптики, одамлар дош беролмай жон таслим қилишмоқда. (Энг ривожланган давлатлар сирасига кирувчи Францияда жазирама оқибатида 6000 киши ҳаётдан кўз юмганлиги, мамлакат президенти Жак Широқ қурбонларнинг оиласига ҳамдардлик изҳор қилганлиги телевидение орқали маълум қилинди).

ЕР ЎЗ ЎҚИНИ ТИКЛАМОҚДА

Коинотда – Қуёш системасида Ернинг жойлашув майдони ўзгариши ўзўзидан сайёрамизни ўраб турган атмосфера, магнит кучлари, ҳаво таркибининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Ҳавода одам жисми учун нотаниш янги элементлар пайдо бўлди. Нотаниш, янги элементлар инсоннинг нафас олиш системасида – бурун, бронхлар, ўпка, плеврада ҳавонинг янгиланаётган таркибига мослашув жараёнини бошлаб юборди. Гоҳ хўл, гоҳ қуруқ сурункали йўтал, танадан балғам ажралиши, нафас қисиши, ўпканинг шишиши – одам жисмининг янги ҳавога кўникиб, мослашаётганлиги аломати, деб билиш зарур. Жисм худди шамоллагандай туюлаверади, аммо бу шамоллаш эмас, балки ИНСОН ВУЖУДИ ИММУН СИСТЕМАСИНИНГ ЯНГИ ҲОЛАТГА КЎНИКИШИ, МОСЛАШИШ ЖАРАЁНИ ЭКАНЛИГИНИ УНУТМАСЛИК ДАРКОР. БУНДАЙ БЕМОРЛАРГА АНТИБИОТИКЛАР ЭМАС, ҚУВВАТЛАНТИРУВЧИ ВИТАМИНЛАР, АСАБНИ ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР БЕРИБ ТУРИШ КИФОЯ. Инсон ўз жисмининг янги ҳаво таркибига тўла мослашув жараёни табиий равишда охирига етмай туриб, бунга сунъий қаршилик кўрсатса, ўзига жабр қилади. Ҳа, биродар, касалликлар Коинот миқёсидаги улуғ ўзгаришларга боғлиқ эканлигини ақл-идрок билан тан олиб, жисмимиздаги оғриқларга руҳий куч-қувватимизга суяниб, сабр-бардош топишимиз зарур бўлади.

Ернинг айланиш тезлиги ортиб, унинг тортишиш кучи константаси ўзгариши таъсирида одам кескин озади. Бунинг сабаби шундаки, улуғ шиддатли жараёнда Қуёш системаси Шеро юлдузига яқинлашганлиги боис инсон жисми шу юлдуз нуридан қувват олиб, озуқага эҳтиёжи камаяди. Бу ҳолат бизга иштаҳа йўқолгандай бўлиб туюлади. Жисм озишидан хавотирланишга асло ўрин йўқ. Модомики, танимиз ўзини улуғ жараёнга тайёрлаётган экан, овқатланишга эҳтиёж сезмаслиги табиий ҳол. Мажбуран овқатлантириш эса жисмни зўриқишга олиб келади, чунки тамадди ҳам тан учун ишку.

Тана қувватини беҳуда сарфлагандан кўра, жисмни Ер ўтаётган мусбат майдонга мослашувини руҳан қўллаб-қувватлаган маъқул. Бу мулоҳазаларни овқатланмасликка даъват эмас, сўнгги пайтларда рўй бераётган ҳолатларни англатиш йўли, деб қабул қилинг. Қўлоёқ бўғинлари шишиб, сурункали оғриқ тураётганлиги эса, 1991 йилдан 2003 йилгача муддатни ўз ичига олган ЕРНИНГ КАТТА АЙЛАНИШ ТЕЗЛИГИ инсон бош миясидаги гипофиз безига таъсир кўрсатаётганлиги оқибатидир. Инсон танасидаги барча ички безлар, балғам безлари, қалқонсимон безлар, қорин ости, буйрак усти безлари, жинсий безлар фаолиятини гипофиз бези назорат қилиб туради. Гипофиз бези фаолиятидаги ўзгаришлар унинг назоратида бўлган барча безларда ўзгаришлар юз беришига олиб келади.

Ер курраси ўқининг тикланишига инсон жисмининг мослашув жараёнида асаб системаси, асаб толалари зўриқиб, ҳар хил аллергик касалликлар пайдо бўлади. Беҳуда ғазабланувчи, сиқилувчи кишиларнинг терисига турли тошмалар тошади. Ер қоматининг тикланиши, яъни қиёмга туриши Заминимиз учун ҳам, унинг фарзандлари – ерликлар учун ҳам оғир вазифа бўлиб, буни уддалаш учун катта ирода, сабр зарур бўлади. Зеро, ернинг азалий майдони манфий кўрсаткичли, ҳозирги ўтаётган майдони эса мусбат майдон бўлиб, 30-32 граудсли ўтиш майдони тақрибан 3333 кмга силжиганлигини тасаввур қилинг-а, ахир силжиётган сайёра бағрида улуғ уммонлар, асрий музликлар, тоғу тошлар, дарё-денгизлар, турли-туман жонзотлару набототлар... 6 миллиардли Одамизот бор-ку! Асрий музликлар эрий бошлагани, уммонлар, денгизлар сатҳи кўтарилиб, тошқинлар тинмаётганлиги-ю айрим давлатларда денгиз, кўллар қуриб, дарёлар суви тортилиб кетаётганлиги, самолётлар самодаги белгиланган йўллардан адашиб қолаётганиги, сайёранинг ўртача ҳарорати +6 даражага кўтарилганлиги, Ернинг ички ядро кучи ортиб, уйқудаги вулқонлар уйғона бошлаганлиги, дунё миқёсидаги глобал исиш оқибатида улкан ҳудудлардаги ўрмонлар ёнаётганлиги, Ернинг марказга интилувчи ва марказдан қочувчи кучлари йўналиши ўзгариши туфайли заминимиздаги тоғларнинг оғирлик кучи нуқтаси ўзгариб, тоғлар майдаланиб, қулаётганлиги... ернинг мусбат майдонга ўтаётганлиги исботи эмасми?

Коинотдаги мусбат майдоннинг тортишиш кучи фақат мусбат майдони одамларнигина ўзига тортади. Ҳар бир одамни ўз ауроси, яъни унинг атрофини ўраб турувчи, ўзидан таралувчи нур майдони бор. Яхшилардан яхшилик нури, ёмонлардан эса ёмонлик нури таралиб туради. Мусбат аурали одамлар Еримиз ўтаётган мусбат майдонда сокин ва хотиржам жон бўлиб яшайдилар. Манфий, яъни салбий майдонли одамларнинг ҳоли Ернинг мусбат майдонида қандай кечажагини ҳар қандай ақл-идрокли инсон ўзи англаб олади. Манфий майдонли, яъни нафси ҳавосининг гапига кириб яшовчи, кўнглига ёмонлик тугиб юрувчи, ёлғончи, фосиқ, манфаатпараст, иккиюзламачи, чақимчи, хиёнаткор кишилар бошига тушаётган кўргуликлар, фожиалар сабаби ҳам ана шунда. Ҳа, ёмонга ўз ёмонлиги жазоси шу дунёдаёқ қайтмоқда.

Азиз биродар, модомики тирик экансиз, хатоларни тузатиб яшаш имконингиз бор. Аура – сизнинг руҳий ҳолатингиздир. Қалбга қанчалик кўп ёмонлик киритсангиз, майдонингиз тобора манфийлашиб, Ернинг мусбат майдонига тўғри келмай «ёмонлар учун ернинг устидан ости афзал» бўлиб қолади. Шундай экан, улуғ шиддатли жараён моҳиятини тафаккур қудрати, қалб кўзи билан англаб, руҳиятингизни ёмонликлардан тозалашни бошланг. Руҳиятни поклаш эса Яратганнинг руҳ ва жон учун берган вазифалари – қонунларини бажариб яшаш зарурияти бўлиб, қайси дин ва миллатга мансуб бўлмасин, ҳар бир одам учун тааллуқлидир. Жисм улуғ шиддатли жараён билан боғлиқ хасталикларини руҳий куч-қудрат билан енгишини инобатга олсак, бу жараён руҳимиз учун ҳам катта имтиҳонлигини унутманг.

Коинот, замин, замон

Қуръони Каримнинг «Нисо», «Ал-Исро», «Фурқон» ва бошқа сураларидаги инсон руҳиятини покловчи, жисми бажариши шарт бўлган қонунлар-вазифаларин таъкидлаб ўтмоқдамиз.

— Ота-онага хизмат қилинг.
— Одамларни рози қилиб яшанг.
— Дилозорлик қилманг.
— Етимларнинг ҳақини еманг.
— Кибр қилманг.
— Гўзал сўзлар билан сўзлашинг.
— Исрофгарчилик қилманг.
— Хасислик қилманг.
— Ёлғон гапирманг.
— Ғийбат қилманг.
— Ғахиллик қилманг.
— Чиройли-чин сабр қилинг.
— Кечиримли бўлинг.
— Меҳр-шафқатли бўлинг.

Руҳиятингизни мусбат майдонига ўтказиш учун ақл-идрок, виждонингиз, Оллоҳнинг кўрсатмалари бор экан, ҳаракатни бошланг. Ер сайёраси қоматини тикланиш жараёни бошланди, унинг якуни фақат Яратгангагина маълум. Вақтни қўлдан бой берманг. Жонингиз учун қабр бўлган (35-сура, 22-оят) жисмингиз янгиланишни бошлади, сиз ҳам руҳингизни уйғотинг, яъни тиритлиринг (30-сура, 52-оят).

Улуғ жараёнда иштирок этиш-этмаслик сизнинг хоҳишингизга боғлиқ эмас, модомики, Ер курраси яшаяпсизми, унинг бағрида рўй бераётган ҳар бир табиий ходисаларнинг фаол иштирокчиси бўлишга маҳкум ерликсиз! Яратганнинг амри-иродаси билан бошланган мусбатлаштириш ёки илоҳийлаштириш жараёнидан ваҳимага тушиб, аюҳаннос солгандан кўра, ўзингизни ўзгартиришга бел боғлаганингиз афзалроқдир. Шифо топилмаётган ғайриоддий, жисмоний ҳолатлардан додфарёд кўтаргандан кўра чиройли сабрда бўлиб, жисмингизга руҳий қувват беришимиз даркор.

Азиз биродар! Ушбу мақолани ақлингизга ишора деб билинг, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб, мақоламиз билан солиштириб кўринг. Вақт-ғанимат, ҳар бир одам ўзгаларга эмас, ўзига ўзи нажот бера оладиган, ўзгаларнинг қутқаруви қабул қилинмайдиган Кун бошланди...

Ҳаётхон ҚУРБОНОВА,
Коинот тадқиқотчиси, руҳият табиби,
Фарғона шаҳри ("Юлдузлар" газетасидан олинди, 2003 йил, сентябр)

ИККИ ҚАРАШ

ЯНГИ ЭЛЕМЕНТ ТЎСАТДАН ПАЙДО БЎЛМАЙДИ



Руҳият табиби Ҳаётхон Қурбонованинг "Ер ўз ўқини тикламоқда" мақоласи бир олим сифатида менда ушбу фикр-мулоҳазаларни уйғотди.

Ҳа, ҳақиқатан охирги йилларда дунёда ҳар хил, мослашган, мўътадил иқлим тизимида ўзгаришлар юз бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Мақолада келтирилган Европа ва Осиё иқлимларидаги ўзгаришлардан кўпчилик хабардормиз.

Кунлик, ҳафталик ва ойлик об-ҳаволардаги муайян тизимлардан четлашиш тез-тез содир бўлиб турибди. Масалан, Россия оммавий матбуотининг хабарига қараганда шу йил сентябр ойида Оренбург шаҳрида + 38°С ҳарорат бўлиб, бу кўрсаткич ушбу шаҳар метеорология тарихида биринчи бор кузатилганлигини, ёз ойларида энг юқори температура + 32 даража Сдан ошмаганлигини эълон қилди. Бундай ҳаракатнинг кескин ўзгарганлиги дунёнинг бошқа шаҳарларида ҳам кузатилган.

Она сайёрамизда ҳароратнинг кўтарилишига асосий сабаб бу турли ёқилғиларнинг (кўмир, ўтин, нефть, газлар) ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши натижасида атмосферада карбонат ангидрид газининг кўпайиши шу каби иссиқхона (парник) ҳолатига олиб келди, деган тахминни олимлар илгари сурмоқдалар.

Маълумки, табиатда озиқ-овқат манбаи ва атрофга кислород етказувчи ўсимликлардаги фотосинтез жараёнининг хом ашёси худди карбонат ангидрид гази ҳисобланади. Лекин унинг ҳаво таркибида белгиланган миқдори 0,03% бўлиб, агар бу миқдор кўрсатилган нормадан ошса, фотосинтез жараёнига ижобий таъсир қилмас экан.

Олимларнинг кузатишига қараганда ўтган аср давомида сайёрамизнинг ҳарорати + 0,6 °Сдан ошган холос. Агар бу кўрсаткич уч градусга кўтарилса, Ер шарининг экологиясида катта ўзгаришлар юз бериши мумкин деб билади олимлар. Тахминимизни асослаш учун геологик тарихга ва жараёнларга мурожаат қилайлик.

Гренландиядаги музликларнинг 3 км чуқурликдаги қатламлари кузатилганда охирги муз қобиқларининг шаклланишига 250 000 йил бўлганлиги аниқланди. Муз таркибидаги ҳаво пуфакчалари кўп илмий маълумотлар беришини кўрсатди. Пуфакчалардаги кислороднинг изотопига қараб, сув музга айланаётган пайтда ҳавонинг ҳарорати қай даражада эканлигини аниқласа бўлар экан.

Муз қатламларидаги пуфакчалар ҳавосининг тадқиқи 125 000 йиллик музликлар маълум даврларда ернинг илиқ ҳаво таъсирида бўлганлигидан дарак беради. Иқлимшунослар қадимий музликларни кузатиш асосида муайян қонуниятлар кашф қилдилар. Қадимда ҳавонинг ўртача ҳарорати бир неча ўн йил давомида 14°С бўлиб, сўнг кескин пастга тушиб 70 йилдан кейин яна мўътадил ҳолатига қайтган. Маълум вақтларда ҳаво даврий равишда бир исиб, яна совиб турган. Бундай қонуният фақат Гренландиядагина эмас, балки Европа мамлакатларидаги музликларда ҳам аниқланган. Демак, музликлардаги ҳаво пуфакчалари қадимий геологик даврда об-ҳаво ва иқлим ҳолатини кўрсатувчи ўзига хос "кундалик дафтар" вазифасини ўтамоқда.

Гренландия Европа об-ҳавосининг "қозони" ҳисобланади. Демак, бир неча ўн йилликлар давомида Европа континенти даврий равишда Сибир ҳавосидек совуқ бўлиб, яна тропик мамлакатларидек иссиқлик билан алмашиб турган. Иқлимни шундай даврий равишда 125 000 йил давомида ўзгариб туришига, яъни иссиқ даврларнинг бўлишига ҳавонинг ҳозирги кундалигига нисбатан ҳарорат бор-йўғи 3°С юқори бўлиши сабабчи бўлган. Демак, "иссиқхона эффекти" еримизда ортиб бораверса ҳарорат кўтарилиб, ер иқлими ўзгариб, мўътадил ҳолати бузилиб, бир совиб яна исиб бу ҳолат даврий равишда музликлар тарихида кузатилгандек ҳозирги кунда яна қайтарилиши мумкин. Агар европаликлар шундай вазиятга тушиб қолсалар, улар чўлу саҳро ва музлик даврларини бошларидан кечиришлари эҳтимолдан холи эмас.

Иқлимнинг бу даражада кескин ўзгариши Европа континенти учун ўта салбий муҳитнинг вужудга келишига сабабчи бўлади. Умумиқлимнинг бироз кўтирилишига қишлоқ хўжалик экинлари ва умуман ўсимликлар мослаша олиши мумкин. Лекин, ҳароратнинг кескин ўзгариши унинг юқори ёки паст бўлиб қолишига ўсимлик дунёси мослаша олмайди. Олимларнинг фикрича, иқлимнинг ўзгариши Атлантика океанидаги ҳозирги кунда мўътадил бўлиб келаётган оқимларнинг йўналишига кескин монелик қилиши мумкин. Атлантика океанидаги Исландия, Гренландия ҳудудларида "иссиқлик вали" (уюм, тўлқин) айланиб туради. Океаннинг устки оқими ердаги ҳамма дарёларнинг сувига нисбатан 20 мартаба кўп бўлган сув уюмнинг ҳаракатга келтирувчи илиқ голфстрим оқими худди шу ерда совиб яна жануб томонга қараб ҳаракатини давом эттиради.

Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, иқлимнинг ўзгариши океан фаолиятига кескин таъсир қилиб, голфстрим оқимининг циркуляцияси тўхтаб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шимолга ҳаракат қилаётган оқимнинг қаршисида музликлардан ҳосил бўлган чучук сув уюми пайдо бўлса, голфстрим таъсирида келаётган шўр сувнинг тузи камайиб, чучуклашиб оғирлиги енгиллашиб ҳаракати тўхтаб қолиши мумкин. Бу ҳодиса иқлимнинг ҳарорат таъсирида кўтарилишидан бўлиб, шимолга илиқ оқимни ҳаракатлантирувчи "юритма" тўхтаб, Европа иқлими Аляскадаги иқлимга айланади. Бу жараён голфстрим оқимининг шимолдаги қисми яна дастлабки сув шўр ҳолатига келмагунча давом этади.

Охирги 10 000 йил ичида ердаги иқлим мўътадил, стабил ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқда. Сабаби эса номаълум. Шундай экан, минг йилликлар давомида мувозанат ҳолатга келган иқлимни "иссиқхона" гази билан бузишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлигини таъкидлагимиз келади.

Космик фазода фақат бизнинг сайёрамиз мўъжизавий, гўзал дурдона бўлиб, фазогирларнинг айтишларича, осмон жисмлари орасида она Еримиз ўзининг мовий осмони, оппоқ момиқдек булутлари билан ўзига хос жозиба касб этади. Коинотда Еримиз нафақат гўзал балки Ер курраси илмий жиҳатдан ҳам кўп сирли бўлиб, у Қуёш атрофида ўзининг мовий атмосфераси, тупроғи ва об-ҳавоси билан ҳаракатланувчи самовий жисмдир.

Қуёш тизимидаги сайёралар орасида фақат бизнинг она заминимиз ҳаётнинг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Еримизнинг фазилатларидан бири шуки, у ҳаётий жараёнларни таъминловчи улкан заҳирадир. Бунинг боиси ундаги тупроқ, ёруғлик, ҳаво, иссиқлик, сув ва озиқ-овқатларнинг биологик ҳодисалар билан мутаносиблигидир. Олимлар Ерни қанча кўп тадқиқ қилсалар, шунчалик заминимиз ҳаётга аввалдан маълум режа асосида мослашганлигига шоҳид бўлмоқдалар. Ердаги физика, кимё, биология ва бошқа табиий фанларнинг қонунлари тасодиф бўлмасдан, балки улар ўртасидаги мувозанат, мутаносиблик, уйғунлик — яшаш шароитини ифодалашига амин бўламиз. Унда ранг-баранг ҳаёт учун зарур бўлган кўпгина шароитларидан бири Қуёш йўллаётган маълум миқдордаги ёруғлик ва иссиқликдир. Сайёрамизга Қуёш ҳароратининг фақат бир қисми етиб келади, лекин ана шу иссиқлик улуши ҳаётнинг мўътадил давом этишини таъминлайди. Ернинг Қуёшдан маълум масофада (140 600 000 км.) турганлиги шу қулайликка сабаб бўлган заминимиз Қуёшдан узоқроқ ёки яқинроқ бўлганида ҳарорат жуда юқори ёки паст бўлиб, ҳаётий жараёнлар таҳлика остида қолган бўлур эди. Еримиз Қуёш атрофида маълум тезликда (соатига 107 000 км) ҳаракатланиши натижасида у Ёритгичнинг тортиш кучини енгиб, ўзи учун қулай масофада туради. Агар ернинг орбитал ҳаракати ҳозиргидан секин бўлса, у Қуёшга тортилиб маълум вақтдан сўнг чўлу саҳрога айланиб, кундузги ҳарорат 300° С бўлиб, Меркурий сайёрасига ўхшаб қолган бўлур эди. Ёки аксинча, унинг ҳаракат тезлиги яна ортса, у Қуёшдан узоқлашиб, ҳарорат пасайган, атроф музликлар билан қопланиб Плутон планетаси қаторидан жой олиши мумкин эди.

Еримиз 24 соат давомида ўз ўқи атрофида ҳаракатланиши натижасида тун ва кун алмашиниб туради. Агар шу алмашиниш бир кунда эмас, йилда давом этса эди Ернинг бир томони иссиқликдан чўлу саҳрога, иккинчи томони совуқликдан доимий музликларга айланиб, бундай муҳитда ҳаётнинг кўп турлари яшай олмасди.

Ернинг айланиш ўқи орбитасининг юзига перпендикуляр, яъни тик бўлмасдан, балки маълум бурчак (23,5°) асосида ҳаракат қилади. Сайёрамизнинг бундай ҳаракати фаслларнинг ўзгаришига сабабчи бўлиб, уни янада мўъжизакор ва жозибали бўлишига асосдир. Агар Ернинг айланиш бурчаги бироз ўзгарса ҳам ёзнинг ўти иссиқлигига, қишнинг қаҳратон совуқлигига сабаб бўлиб, ҳаётий жараёнларнинг кечиши ўта қийинлашиб ҳаттоки тўхтаб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Муаллиф "Ер ўз ўқини тикламоқда" деган мақолада Ер Қуёшга нисбатан шу ўзига хос бурчакни тикламоқда деб чет элдаги айрим олимларнинг шахсий фикрларини далил сифатида келтиради. Албатта бу ахборотлардан огоҳ бўлган ҳолда, уларнинг шов-шувга сабабчи ахборотларини жумладан, мана Ерга баҳайбат комета, метеорит келаётганлигини, уларнинг тўқнашиши натижасида Сайёрамиз фалокатга учрайди деган хабарларни вақти-вақти билан матбуотда ўқиб туришимизни эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Еримиз магнит ўқи эмас, балки магнит майдони билан ўралганини яхши биламиз. Шу туфайли компас мили таъсири кучли бўлган Шимолий магнит қутбини кўрсатади. Табиатдаги мўъжизалардан Шимол шафағи магнит майдони кучли бўлган қутбда содир бўлади. Дунёдаги ҳодисалар вақт ўтиши билан термодинамиканинг иккинчи қонунига асосан ўзгариб боради. Тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, Ернинг магнит майдони ҳам вақт ўтиши билан ўзгарар экан. Заминимиз магнит майдонининг таъсири ҳозирги кунда биринчи марта 1835 йилда ўлчаганлигига қараганда 6 фоизга пасайган. Мазкур масалани ҳар томонлама тадқиқ қилган физик олим Т. Барснинг хулосасига асосан магнит майдонининг ярим парчаланиши ёки қувватсизланиши даври 830 — 1400 йилга тўғри келар экан. Демак, Еримиз магнит майдони бундан 10 минг йил олдин магнитли юлдузларга ўхшаш кучли хоссага эга бўлган.

Илмий нуқтаи назар

Ер магнит майдони таъсирининг ўзгариши, думли юлдузларнинг Қуёш атрофида айланганда парчаланиши ва табиатдаги радиогенли гелийни ўз-ўзидан ҳосил бўлиши, Қуёшдаги доғлар кўпайишларининг Ердаги жонзотларга озми-кўпми таъсири сезилади. Лекин Қуёш тизимидаги сайёралар ҳаракатига таъсир қилишини ва улар ўртасидаги мувозанатни бузилишига сабаб бўлишини ҳали ҳеч ким кузатган эмас. Сайёралар ва Қуёш ҳаракати И. Нютоннинг бутун олам тортишиш қонуни асосида давом этиб келмоқда. Охирги пайтда Қуёш системасидаги антропоген омиллар туфайли сайёралар ҳаракатида ўзгариш бўлаётганлигига хавотирланиш учун бизда илмий асос йўқ.

Муаллиф Қуёш системасида, атмосферада жиддий ўзгариш бўлаётгани янги кимёвий элементлар пайдо бўлганию у одам нафас олиш тизимига салбий таъсир қилаётгани ҳақида ахборот беради. Лекин фазода янги кимёвий элементнинг пайдо бўлиши учун катта миқдорда энергия зарур. Масалан, темир атомининг пайдо бўлишида ҳозирги Қуёш системасидаги энергиядан тўрт марта кўп миқдорда энергия сарф бўлган. Шунинг учун табиатда янги элементнинг тўсатдан пайдо бўлиши жуда шубҳали ҳодиса.

Мазкур мақоланинг илмий асосга эга бўлмаган ва анча баҳсли томонлари бор, лекин шунга қарамасдан муаллиф Ҳ. Қурбонова экология, ички секреция безлари, инсон иммун системасининг антропоген омиллар таъсирида ўзгаришларини илмий ва диний томондан таҳлил қилган. Шу маънода мақола айрим илмий камчиликларига қарамай маънавий жиҳатдан озми-кўпми фойдали бўлиб, кишини ўз маънавияти ҳақида ўйлантириши шубҳасиз.

Мухсин ВАЛИХОНОВ,
биология фанлари доктори

ЧЎПИЙ ДОМЛАНИНГ «ОЛДИ-ҚОЧДИ» ТУРУНГЛАРИ

«Чўпий почтаси»дан

Ҳурматли Чўпий домлажон! Сизга айтсам, туҳматда ҳам тур кўп экан. Уни — буни холис танқид қилиб юргувчи эдим. Бир ўринлик танқидга ўринли жавоб бўлгач, ўшал танқид қилинганлардан бири ажабтовур «ёзағон»лик қилди. Яъни менинг номимдан тўппа-тўғри суд қайдасан деб дўстларим устидан икки юзидай икки бет ғирт туҳмат ёзибди денг. «Бир ўқ билан икки қуённи» деганлари шу бўлса керагов» дедим. Дастхатига қараганда имзоимни ўхшатгунча анча машаққат чеккани кўриниб турибди. Эсиз, маъшуқасига тикилгандай имзоимга қанча тикилгандир-а, шўрлик. Буни туҳмат остида қолганлар ҳам кўриб «бунинг ажаб ҳунари бор экану», дейишди. У-бу бошлиқлардан имзолик ишлари битмай юрганлар бу «ҳунарманд»га борса ҳам бўлавераркану, дедим мен ҳам. Шубҳасизким, пуркурорга бу «ҳуснихат» менга тегишли эмаслигини филҳол айтдим. Шу билан имзоимнинг «қиёфадоши» ўз қиёфасини буткул йўқотди.

Бу ёғи, шундай устамон туҳматчининг қўлида қўйилган қалбаки имзоимни кўриб ўшал пайтда илҳом бир туртиб эди. Хуллас, гурунг ораси Қизиқболага ўқиттириб эшитарсизлар деб шуни газетга йўллаяпман.

Дуойи салом билан ҳў-ў бирда кўришганингиз: НУРМАТ

ТУҲМАТЧИ

Аё, туҳматчи, дўстим,
Ахтариб каму кўстим,
Ёлғонни хўп ёзибсан,
Ва ё чуқур қазибсан.

Асабим буздинг анча,
Менда қасдинг бор қанча,
Мард бўлсанг гар ошкор ёз,
Шунда бўлар жуда соз.

Сен кўрқасан ўзингдан,
Ҳамма билар кўзингдан,
Мени қилмагин таъқиб,
Ўзингга қўйгин боқиб.

Нечун ёзганинг туҳмат,
Қилган ишингга «раҳмат»,
Бўҳтон-ку асли гунох,
Менга эмассан ҳамроҳ.

Ёзмадинг сен, ёздирдинг,
Менга чуқур қаздирдинг.

Унга ўзинг тушарсан,
Балким ишдан бўшарсан.

Ўхшатгандай имзони,
Қўзғай дебсан низони,
Бу билан сен туҳматчи,
Бузиб бутун аъзони.

Танқид сени чақади,
Мақтаб ёзган ёқади,
Агар қилсам хушомад,
Дарров менга боқардинг.

Мард бўлсанг, майдонга чиқ,
Сўзинг борми, айт очиқ,
Ўз айбинг сезадурсан,
Беайбни эзадурсан.

Илло, қўрқмабди шоир,
Ёзганим сенга доир,
Қилмасанг ҳам сен ҳурмат,
Кек сақламайди Нурмат.

Нурмат ҲАЙДАРОВ

ИККИ ҚАВАТЛИ НАРВОН

* * *

Афандининг ўз уйига икки баробар келадиган нарвон ясаётганини кўриб қўшниси деди:

— Ҳа, Афандим, уйингиз кўзингизга иккита бўлиб кўринятпти дейман? Бу нарвоннинг ярмидан тепаси билан қаерга чиқмоқчилар? Симёғочгами?

— Уйим икки қаватлик бўлмаса ҳам нарвоним икки қаватлик бўлсин дедимда! — деди Афанди. — Ярмига бир томондан, қолган ярмига икки томондан ҳам тушиб-чиқиб юрамиз-да "икки қаватли уй"ни эрмак қилиб, қўшни.

* * *

Афандининг ўғли контрактга ўқишга кирибди. Буни эшитганиданми, эшаги ҳанграб юборди.

— Қўй, йиғлама эшагим, — деди Афанди, — сени сотмайман. Ана, тўрамнинг "сабзитўғрар"га бепул олиб келишган хўкизи ташқарида турибди "контрактман" деб, секин бориб у дунёлик қилиб бир тепасан, "харом ўлди" деб ўзи чиқариб ташлайди. Мен бўлсам сенга, сен бўлсанг менга ташвиш йўқ.

ЧАҚМОҚ

Вақтингиз қандай ўтяпти?

Ёки сиз буни ўқийсизми?

Кишининг яшаш учун ҳаракат қилиши, менимча, унинг ҳаёт қадрига етиши, оддий қилиб айтганда, ВАҚТНИ БЕКОР ЎТКАЗМАСЛИГИДИР. Тўғри, бу аслида барча ёшдагилар учун тааллуқли ва кўп айтиладиган сўз. Лекин катталардан кўра ёшларда вақтни бекор ўтказиш имкониятлари кўпроқ бўлади (баъзилари вақтини қаёққа қўярини билмайди, дейишимиз мумкин). Эҳтимол шунинг учун ҳам «вақтим йўқ» деган сўзни ёшларнинг кўпчилиги деярли қўлламайди, улардан вақтинг борми, деб сўрашмас ҳам. Тўғри, улар орасида китобни, фойдали ишларни жуда яхши кўрадиганлари оз бўлса-да топилади. Ўз вақтлари ҳақида бундай сўзни улардан эшитишимиз ҳам мумкин. Мен тенгдошларим баъзан деярли бемаъни нарсалар билан шуғулланса ҳам уларнинг вақти бекор кетяпти, деб ўйлайман. Дискоклуб, «видео», «Бинго»ми, кеча-кундуз компютер ўйинлари билан мунтазам машғул бўлиш бекор ўтган вақтгина эмас, катта бўлганда яхши яшаш, ишлай билиш имкониятларини олдиндан совуриб юборишдир. Кейин бу вақтни ва имкониятларни топиб бўлмайди-да. Ахир ўтган вақтдан нимадир чиқиши, ақлимизда, кайфиятимизда ёки моддий ҳаётимизда нимадир яхши из қолиши керак назаримда.

Эътибор қилганмисиз, тинимсиз эшитилган енгил-елпи, «олди-қочди» куй-қўшиқлар яхши кайфият беришдан кўра чарчатиб қўяди, худди қаттиқ жисмоний меҳнат билан шуғулланиб келгандай, ниманидир қойиллатиб бажаргандай. Бошқа фойдали фаолиятга киришмай шу билан кунни ўтказиб кўя қолишади. Бундай ёшлар дипломни қўлига олгач, етарли билимга эга бўлмаганидан нима қиларини билмай бирдан довдираб ҳам қолиши мумкин. Нима қилиш ҳақида эса ўқиш бошиданоқ ўйлаб иш тутишдан яхшиси ва тўғриси бўлмаса керак. Чунки «ҳали тўрт-беш йил бор» дейишса ҳам бемаъни машғулликлар билан кўз очиб-юмгунча шу тўрт-беш йил «лип» этиб ортда қолиши, ВАҚТИМИЗ БЕКОР ЎТИШИ ҳеч гап эмас. Буни ўқишни битирувчилар ёки битирганлардан бир оғиз сўраб кўриш, улар билан биринчи ишга жойлашиши ҳақида озгина суҳбатлашиш кифоя. Келинг, қуйидаги бир саволни вақтимизни аямай ўзимиздан сўраб кўрсак. Вақтингиз бекор ўтмяптими, вақтларингиздан сизга нима қоляпти, нима дейсиз, азиз тенгдош? Дарвоқе, сиз буни ўқийсизми экан?..

Фикрлашув

Зулфия БОБОЕВА,
ЎзМУ талабаси

БУ ДУНЁДА ҲАММА НАРСА НИСБИЙ

Қор ҳам ўн етти хил...



Ҳар бир халқнинг миллий либослари ўзига хослик касб этади ва ҳамиша шу халқ тарихи каби қадрлидир.
Сиз кўриб турган ушбу сурат қорақалпоқ миллий либослари ҳақида гўзал тасаввурлар уйғотади, унда қадим қорақалпоқ қизларининг ҳусни ёғилиб тургандай.

Уй-рўзғорда газ ёқишга ўтилдию, ўтиннинг аҳамияти "унутилди". Бир пайтлар рўзғор боши ун, ёғдан сўнг учинчиси ўтин ҳисобланарди. Қўйинг-чи ўтин ўрнида жойига қараб ҳазон, ҳаттоки шафтоли данаккача ёқиларди, "тўнғиз тароқ ҳам ўтин" дегани шундан бўлса керак.

Ҳолбуки, Шотландияда айни шу тўнғиз тароқ ўсимлиги миллат гули сифатида ардоқланади (бир замонлар ёв йўли тўнғиз тароқ тўшаб тўсилган экан).

Туркияда бўлса лола миллат гулидир (унинг ҳарфларидан "Олло" ёзилади).

Кўпгина эллар сингари бизда ҳам эркак киши наслнинг давом эттирувчисидир. Яҳудийларда бўлса эркак эмас, балки аёл киши авлод асосчиси ҳисобланади.

Бизда тўнғич ўғиллар балоғатга етгач уй-жой қилиб чиқиб кетиб мавжуд ҳовлида кенжатой яшаб қолади. Японларда эса уй-жой албатта тўнғич ўғилга меросдир.

Дунёда биринчи кўча ҳаракати қоидасини японлар расм қилган бўлиб, уларнинг шу чап томонлама қоидасини инглизлар андоза қилиб олганлар. Ўша пайтда мустамлака бўлган Ҳиндистонда эса ҳали-ҳануз чап томонлама ҳаракат қоидаси амалда.

Шунингдек, "Хатояма сан" японларда "Хатояма жаноблари" деган маънодадир. Бизда катта одамга "сан" деб муомала қилиш мутлақо одоб доирасидан ташқарида бўлади.

Болгарларнинг одати қизиқ: бош силкитиб "ҳа" деса, "йўқ" дегани бўлади, аксинча "йўқ" деса "ҳа" ўрнида ўтади.

Французлар соқолни кечқурун оладилар, инглизлар эса бу юмушни эрталаб бажарадилар.

Маълумки биз юзни оқар сувда ювинишга одатланганмиз. Инглизлар бўлса умивалникни тиқин билан бекитиб қўйиб, йиғилган сувга юзни пишиб-пишиб ювинадилар.

Европада тугманинг ипи билан бир-бирига параллел-мувозий чатилади. Америкада бўлса ипни крест қилиб чатиш таомилга кирган.

Япония, Хитойда оқлиқ мотам рангидир.

Биз йилни баҳордан бошласак, шимол элатлари биринчи қордан бошлаб ҳисоб қиладилар ва 17 хил қорни номма-ном ажратадилар. Ҳамиша ёз Амазония ўрмонзорларидаги аҳоли яшилнинг ўзини 17 хилга ажратади ва ана шу номлар билан турмушини безайди, яшашни осонлаштиради.

Кашмирда бўлса 10 минг хил рангдаги ип-ипакнинг номи бор.

Биз марҳумнинг руҳига ўтирган ҳолда фотиҳа қилсак, бунинг аксича, ғарбда тик турилади.

Тошкент шаҳрида қора чой, бошқа вилоятларда кўк чой ичилади. Тошкентда палов иссиқ чой ичиб-ичиб ейилса, Самарқандда киши бошига бир косадан совуқ сув ичиб ейилади...

Замон тақозосига кўра юз берган бир ўзгаришни айтиб ўтайлик. 30-йиллар ҳали автомобиллар ахён-аҳёнда кўринадиган маҳал юк асосан от-аравада ташилар ва аравакашлар "Бахт" деб аталган бир артелга бирлашган эдилар. Биз болакайлар шу артел вивескасидаги қўқон аравага қўшилган от расмига маҳлиё эдик.

Энди бўлса от-араванинг ўзи турмушдан чиқиб кетиб, артелнинг номи бошқа нарсага кўчибди: автобус бекатидаги симёғочга илиғлик "Тўй либослари салони "Бахт" деган вивескага кўзим тушса бўладими: расмда оппоқ кўйлакли бир келинчак тасвирланган бўлиб, бошида салладан ҳам катта аллақандай тождор бош кийими, қўлқопининг қўнжи тирсагигача етиб боради. Аммо келинчакнинг эгнию-ўмизидан тортиб то сийнасининг ярмигача яланғоч.

Шарафиддин КЎНЧИ

(Боши 3-бетда)

вақтда шу ҳақиқатни теранроқ англамоқдаманки, ҳар қандай даврда ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам ВИЖДОН ОВОЗИГА БЎЙСУНИБ ЯШАМОҚ ИНСОННИНГ ЎЗ ЭРКИ, ИХТИЁРИДА БЎЛИБ КЕЛГАН. ШУНДАЙ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. Ҳа, коммунистик ёки либералистик, демократик ёки социалистик дея қандай либос кийдирилишидан қатъий назар, ВИЖДОН ОЛЛОҲ РУҲИ МАВЖУД ҚАЛБ ОВОЗИДИР. Ва ана шу қалб-виждон овозига бўйсуниб, унинг амридан чиқмай яшаган одамлар бой ёки камбағаллиги, зиёли ёки омилиги, художўй ёки атеистлиги, партиявийлиги ёки партиясизлигидан... қатъий назар, яхши инсон деган ном қозонганлар. Ахир теварак-атрофдагилар сенга яхши коммунист ёки яхши тақводор деб эмас, яхши ёки ёмон инсон дея таъриф берадилар-ку! Қалб-виждоннинг ҳамиша яхшиликка, эзгуликка чорлови ҳар бир бандага аён; ИНСОН ЎЗ УМРИ МОБАЙНИДА ҚИЛАДИГАН ИШЛАРИ — ХОҲ ЯХШИЛИК БЎЛСИН, ХОҲ ЁМОНЛИК — УНИНГ ҚАЛБИГА ЁЗИЛАДИ.

Қалб тузугинг ҳикматмиди ё жаҳолат,
Қалб безагинг эзгуликми ё залолат,
Қалб ўзагинг ёруғликми ё қабоҳат?
Ё, биродар, ўнгдан версин дафтаринг-эй!
Нуристонга манзил қурсин каптаринг-эй!

СТЕФАН ЦВЕЙГ "ЮЛДУЗЛАР"И

Эсимни танибманки, бош оғриғи ҳамроҳим. Шунақа инжиқ бу бош... ўзига ёқмайдиган даврага кириб қоладими, ростдан ёлғони кўп йиғилишларга борадими, кўнгил тусамаган одам билан гаплашишга тўғри келадими, оғрийдиқолади. Неғадир минг йил, балки ундан-да кўпроқ яшагандай туюлаверади. Ана шундай чоғларда ҳатто энг яқинларимни ҳам кўришни истамай қоламан. Мумтоз куй-қўшиқларни ёлғиз, йиғлаб-йиғлаб тинглаганча ухлаб қолсам... Инсон қадами етмаган тоғу тошлардами, Чуй водийсига ўхшаш кимсасиз воҳалардами... фақат табиат билан тиллашиб, хоҳлаганда, ўзим суйган китобларни қайта-қайта ўқисам! Вой Робинзонгина-ей! Бу бош оғриганда унга на укол ва на дори таъсир қилади.

Бир куни дугонам журналист Тамарахон Тошматова севикли ёзувчим Стефан Цвейгнинг рус тилида чоп этилган тўла асарлар тўпламини ҳадя этди. Инсон руҳиятининг зукко билимдони бўлмиш улуғ ёзувчининг асарлар тўпламига эга бўлмоқ орзуим. Бундан Тамарахоннинг хабари бор эди. Асарларни ютоқиб ўқишга тутиндим. Айниқса, инсоният олами юлдузлари ҳаёти жамул жам "Звездние часи человечества" китобини ўқиб, ҳайратларга ботдим. Тинч уммоннинг очилиши. Христофор Колумб Ҳиндистон дея янги қитъа — Американи кашф этмоқда. Жаҳонгирлик даъвоси бўлган Наполеон Бонапартнинг шуҳрат юлдузи сўнишга маҳкум бўлган Ватерлоо жанги. Икки қитъа Европа ва Америка ўртасида уммон туби аро электрон телеграф алоқасига асос солган Сайрус Филд. Ахир пастор-руҳонийнинг на электрдан, на сув ости алоқа воситаларидан бехабар бизнесмен ўғли Эски дунё билан Янги дунёни сониялар ичра боғлаш орзусида яшамоқда. Ҳа, ёзувчи айтганидек; "Инсон ҳаётидаги асосий вазифани, вазифа эса уни ача оладиган инсонни топди". Шимолий ва Жанубий қутблар сари юриш. Норвег Амундсен, инглиз Роберт Скотт гуруҳлари жасорати ва ҳалокати. Тарихга Магеллан номи билан муҳрланган оддий аскар Фернандо де Магелаеш Ер курраси шар шаклида эканлигини ўз каравелласида кезиб исботламоқда. Америка қитъасини Колумб кашф этгани ҳолда нега Янги дунё Америго Веспуччи номи билан аталиб қолди? Бу тарихий хатодан нечоғли хабардорсиз? Инсон қалбининг яратиш, кашф этиш, бунёдкорлик биринчилиги учун интилишлари, яшашдан мақсаднинг улуғворлиги... қани бу ҳикояларни таржима қилиб, ёшларга етказсанг. Эй, ўзбекнинг боласи, ҳаётдан мақсад жевачка чайнаб, ғарб-шарқ аралаш енгил-елпи мусиқаларга эчкидай ирғишлаш, тор шим кийиб киндигингни кўрсатиб юриш, бир иложи кор қилиб "юридический"га илашиб олгач, дадангни рандалаб "Нексия" ундириш, бўйнингга тилла занжир осиб, машина калитини ўйнатиб... шортили юриш эмас. Ҳаётда ўз мақсадинг бўлсин. Умри одамзоднинг эзгу орзулари йўлида фидо бўлган буюк инсонлар ҳаёти йўлчи юлдузингга айланисин, қалбингда янгиликлар яратиш, кашф этиш, бунёдкорлик жўш урсин, "юксакларда чарх уриб айлан, руҳинг мангу турсин ёришиб, ўлганда ҳам вужудинг билан кетмагайсан ерга қоришиб" дегим келарди. Ва ана шу орзулар мақсадга айланди. "Инсоният юлдузлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи, онгга маърифат уруғларини сепувчи, қалбларни ғафлат уйқусидан уйғонишга даъват этувчи, мудҳиш иллатлар — гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, сингари оғриқлардан огоҳ қилувчи газетамиз бўлади. Нияти фикрга, фикр сўзга, сўз эса амалий ишга айланди-да, газетамизнинг нишона сони босилди. "Юлдузлар" дея номладик. "Моҳиятингни муҳаббатдан изла, Инсон" дея шиор танладик. Тамаддун тарихида инсоният тафаккурига, қалбига, тадрижий камолотига ўз нурини сочган ва бу нурлар Бани Башар йўлини ҳамон ёритиб турган одамлар яшаб ўтмиш. Ҳаёт бор экан, мовий сайёра чексиз Коинот бағрида айланиб турар экан, инсоният юлдузлари порлаб нур сочаверади. Бу нурлар эзгулик нурларидир. Қачонки, инсон одамларни севса, муҳаббат билан яшаса, ўзидан юлдуздай чақнаб нур таратади. Бу нур шундай ҳаётбахшки, шунчалар умрбоқий, унинг абадийлигини қаҳқашон юлдузлари мангулиги билан менгзаш мумкин. Худди шу учун ҳам газетамизга "Моҳиятингни муҳаббатдан изла, Инсон", дея шиор танладик. Энди "Юлдузлар"нинг туғилиши ҳақида.

Нишона сон мақолаларини тайёрларканмиз, "Ферганская правда" газетасига таржимон бўлиб келган Замирахон Қаюмова хонамизга кириб қолди.

— Манави номаларни бир ўқинг-чи, эҳтимол маъқул бўлиб қолар, — қўлимга бир варақ тутқазди у.

— Қанақа нома? — энсам қотибгина вараққа кўз югуртираман.

— Илоҳий оламдан Ҳаётхон воситасида инсониятга келган номалар, ҳикматга ҳам ўхшайди.

— Ким ўзи у Ҳаётхон? Нима иш қилади?

— Касби ўқитувчи. 10 йилдан буён илоҳий олам билан мулоқот қилади. Илоҳий оламдан фаришталар, улуғлар руҳлари йўллаган номалар анчагина китоб бўлган. Очиғини айтсам, Ҳаётхонга яқин бўлайин деб Анжондан кўчиб келдим.

— Кўйсезчи.

— Ишониш-ишонмаслик ихтиёрингиз, аммо мана, олти йилдирки Ҳаётхон мен учун онамдай азиз ва яқин бўлиб қолган. Ахир у ғафлат босган қалбимни уйқудан уйғотди, Яратган эгамни таниш йўлларини кўрсатди.

Замирахон берган вароққа кўз югуртираман:

"НЕЧУН ҲАМОН МУКАММАЛ ЭМАССАН, ЭЙ МУКАММАЛ ДИН ЭГАСИ?"

Нечун ўзгаларга ибрат бўла олмайсан?

Ўзгаларни хафа қилишдан аввал ўз дилинг озорини эсла.

Ўзгадан тортиб олаётганингда, ўз йўқотишларингни эсла.

Ўзгаларни ғийбат ва иғво қилмақдан аввал, бошингга тушган туҳматларни эсла.

Ўзгаға зулм қилмақдан аввал, кечирим сўрашлик юкини унутма.

Олишдан кўра берган яхшироқлигини ёдда тут.

Ўзинг жон ато этмай туриб, бировга ўлим тилама.

Ўзинг қандайлигингни билмасдан аввал ўзгага баҳо берма.

Бировга кибр билан боқишдапн аввал, сени камситганларини эсла.

Шунда ҳам ўз йўлингдан қайтмасанг, билгинки, гумроҳсан..."

Кўнгил изҳори

РУҲОНИЯТ МАВЖЛАРИДА

Булар жуда қадим файласуфларни ҳам ўйлантирган ҳикматлар.

Улар "Юлдузлар"нинг ўқувчилари учун Уйғониш қўнғироғидай жаранглармикин деб ўйладим.

— Замирахон, доно сўзлар учун раҳмат, газетамизда босамиз. Мени ҳам Ҳаётхоннинг уйларига олиб боринг.

— Майли, эртага борамиз.

У ўзи хонасига кириб кетди. Мен тахririят ҳовлисига чиқдим.

...Қия очиқ оқ темир дарвозадан аста ичкари кирамиз. Кафтдеккина чорси ҳовли, саранжом-сариштa. Кираверишда ўнг томонда болохона. Овоз берамиз. Тўрдаги камтарин, таъмирталаб уй айвонидан аёл кишининг шикаста чорлови эшитилади.

— Келурилар.

Ўрта бўй, қорамағиз, кийиккўз аёлнинг эгнида дид билан тикилган оқ виллюр кўйлак, бошида шунга мувофиқ оқ шарф. У худдики эски қадрдонлар сингари кулоч ёзиб, бизга пешвоз чиқади-да, ичкари бошлайди. Берк айвон ичи тўла уй гуллари, шунчалар хилма-хил ва гўзал, қараб баҳри дилингиз очилади. Гуллардан-да мафтункор беканинг кийик кўзлари ажиб муҳаббатли, ажиб меҳрли. Ахир камина унга тамоман бегона-ку. Унинг чиройли кўзларидаги меҳрни Замирахон қозонган бўлса бордир, аммо мени Ҳаётхон биринчи марта кўриб турибдику. Унинг кўзлари сизга боққанда худди қалбингизга қараб тургандай ва ана шу нигоҳлардан вужудингизга алланечук нур қуйилаётгандай... Нурли нигоҳлар Сўз билан қувватлана бошлайди, шунда қалбни тошдай босган турмуш ташвишлари аллақандай ғойиб бўладида, енгил парга айланасиз. Кийиккўз аёл ўз ҳаёти ҳақида ёзиб, чизиб, суратларни кўрсатиб сўйлагани сайин не учун инсон бўлиб дунёга келганингиз моҳиятини теранроқ англай бошлайсиз...

— Нажот йўллари... Қизил атиргул — хўрланган, поймол этилган ва охироқибат ўз қадр-қимматини тиклаши керак бўлган аёллар тимсоли...

У инсоният муаммолари ҳақида куйиб-пишиб сўзлайди. Мен эса ўз касалимни ўйлайман, умрбодлик "ҳамроҳим" устидан шикоят қиламан:

— Эсимни танибманки, бошим оғрийди-да, Ҳаётхон. Рентген қилдирдик, УЗИ қилдирдик, компютерга солдирдик, ҳеч қандай касаллик топилмади...

— Вой афанди-ей, руҳ қийноқлари бошга оғриқ берган-да. Манави кўкрак қафасига беркитилган руҳ озодлик талаб қиляпти. Унинг овозини эшитмаганингиз учун қийналиб бош оғриятпти. Вужуд учун нима бирламчи, онгми ё руҳ?

Мен жавоб қилишга улгурмай, суҳбатдошим ўзи изоҳ беради:

— Албатта руҳ бирламчи-да. Оллоҳ Одам Атони яратгач, уни жонлантириш учун руҳ киритдими? "У барча нарсани чиройли қилиб яратган зотдир. У инсонни, (яъни Одамни) даставвал лойдан яратди. Сўнгра унинг насли авлодини ҳақир бир сувдан иборат бўлган нутфадан яратди, пайдо қилди..."

Ҳаётхон бошимга қўлини қўйди ва сўзида давом этди:

— Ақл ҳамиша қалбнинг уйғонишига тўсқинлик қилади, аммо сизнинг қалбингиз уйғоқ, буни кўзларингиз айтиб турибди. Гапириб бераётганларимни қалбингиз ақли билан мушоҳада қилинг. Дил мулки шоҳи — руҳни ўз тахтига кўтаринг.

— Қўлимдан келармикин?

— Нима учун қўлингиздан келмас экан, ахир Оллоҳ сизга Эрк бериб қўйган-ку, қила оласиз.

— Ҳа-я, эрк, ихтиёр берган. Лекин...

— Тўппа-тўғри, ҳеч бир мавжудоту махлуқотга бермаган эрк, ихтиёрни бандасига берган.

Ҳаётхон бироз сукут сақлагач, ёзишга тутинади.

"Махфуза — олдиндан тасдиқ этилган. Сизга берилган руҳ ҳаёти олдиндан тасдиқ этилган, бу тасдиқнинг моҳият-мантиғи топилди ҳаётингизда.

Сиз донолик нури бўйича ерга илм чашмасидан томчи олиб келдингиз.

Ситамларингиз сизга комиллик сари йўл, нарвон бўлди. Ризо-туғингиз, онг эса байроқдорингиз бўлди. Қалб тахтига руҳингиз ўтирди, онг эса унга қул бўлди.

Бу ютуқ билан сизни қутлаймиз..."

Дарвоқе, 2001 йилнинг апрел ойидан эътиборан "садоқатли ҳамроҳим" — бош оғриғи вужудимни тарк этди. Тан олай, қалбга қулоқ тутмай бирор ишга урнасам, пўписа қилиб қўяди, ҳушимга ёнаман. Ҳа, энди пўписа қилиб ҳам қайга борарди, қалбимни пири Туркистоний Яссавий ҳазратим руҳи поклари чароғон айлаб турибди. Қолаверса, Ҳазрати Султон пирим, "меҳр-нигорим, беморларни давола", демоқдалар-ку.

Ва ана шу кундан эътиборан камина ҳикматлар ёза бошладим.

Маҳфуза УСМОНОВА

ОХИРГИ СЎЗ

Биров отига топмаганни
Биров итига «е» дебди

Сиз ҳам иштирок этинг!

"МТ" луғати

"НАЗАД"НИНГ ЎЗБЕКЧАСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Халқ тилида қандай сўзларимиз бор?

(Боши ўтган сонда)

Алли-белли — тез, тезда

бук — пана жой, пана (букилган ер). Қўйлор хў букта ўтлавотти.

буқмоқ — бекинмоқ, писмоқ. У мени кўруп буқту.

бўгуртлан — маймунжон. Бизни сойда бўгуртлан кўп.

бўпу — чақалоқ

дўлту — сиртлон (гиена). Бу сўз А. Навоийнинг қуйидаги байтида ҳам қўлланилган:

Макр ила саводи анбаролуд, дўлту тўшугига солибон дуд «Лайли ва Мажнун»)

ечман — янги ёпилган нонни ёққа аралаштириб тайёрланган енгил овқат тури

елтўқсон — ноябр

ёмон — жуда, ўта. У ёмон шум одам. Ўзбек адабий тилидаги ёмон сўзининг ушбу маъноси адабий тилимизда йўқ. Аммо бу сўз мазкур маънода ўзбек тилининг Учма ва бошқа шеваларида учрайди. Турк адабий тилида бу сўз худди Учма шевасидаги маънода, яъни жуда, "ўта" маъносида ишлатилади.

ёшоғроқ — кўздан ёш оқмоқ. Мени кўзум тез-тез ёшоғройди

жуйун — секин, майдалаб ёғадиган ёмғир. Эшикта жуйун ёғивотти.

жоғдой — имкон (асосан иқтисодий имкон ҳақида). Тўйғо жоғдойим йўқ.

жиш — кичик тешик, тирқиш

ила-чила — дарров, шошиб-пишиб. Шўрвони ила-чила бушурду.

ирга — ҳовли, уй-жой, уй. Ўну иргасида сенга нима бор.

инжилмоқ — ранжимоқ. Нимнага инжиласан?

йўғо — ахир. Йўғо айтқонни қилсонг-чи.

йўғомаса — ундай бўлса, у тақдирда.

йўғумоқ — яқинлашмоқ. Олдима йўғумо.

йиқмоқ — (ариқдаги сув ҳақида) очмоқ, йўналтирмоқ. Сувни йиқиб юборди.

кескирт — шох-шаббаларни кесиш учун ишлатиладиган ўроқсимон бир асбоб.

кейинтус — орқага: машинни кейинтус қилмоқ — машинани орқага (назад) ҳайдамоқ.

кесканоши — угранинг бир тури.

менчикламоқ — ўзиники қилмоқ, эгалламоқ. Ў ҳамма нарсани менчиклайди.

мунглуқ — бечора, заифа (аёл киши ҳақида).

мойжумол — мойли, мой (ёғ) текқан.

олачалпоқ — сийрак. Ерда қор олачалпоқ.

озномоқ — чўзиб йиғламоқ, узоқ йиғламоқ. Бу боло нега мунча ознойди.

отонмоқ — номи чиқмоқ, машҳур бўлмоқ.

пидина — ялпиз.

сингаламоқ — синчиклаб қарамоқ.

пайсалламоқ — пайсалга солмоқ. Нимнага мунча пайсаллайсан.

тегиш — улуш. Мени тегишимни бер.

тошлошмоқ — икки-уч киши битта қошиқда навбат билан овқат ичишмоқ.

тувалай — мутлақо, бутунлай.

тугур — парча, кичик бўлак. Бир ҳугур гўш.

тортим — (бозорда) талаб, эҳтиёж. Бозорда тортим йўқ.

тусламоқ — йўқламоқ, бор-йўғини аниқламоқ (кўпроқ уй ҳайвонлари ҳақида). Қўйларни тусладингми?

туламоқ — (ҳайвонлар ҳақида) Жунлари тўкилмоқ (ёз ойларида)

тўнгмўюн — қайсар, ўжар.

узомоқ — узоқ муддатга чўзилмоқ. Бийил қиш узади.

узум — узиш, узилиш. Қоғунну учунчу узуму.

чиқимсиз — биров билан чиқиша олмайдиган.

чотмоқ — чизиб ташламоқ, чизмоқ, чизиб булғамоқ. Боллор ҳамма ёққа чотип тошлопти.

чўкур — чўкиртак. Ушбу сўзга Навоий қуйидагича изоҳ беради: Ошиқ аёғига тикан кирмакка алар "хор" лафзи билан таарруз қилибдурлар, аммо чўкурки муўлимроқдур. (А. Навоий. Муҳокаматул-луғатайн.)

чидамсиз — ғирром.

шишма — мақтанчоқ.

шўтаноқ — шўх, ўйинқароқ, тўполончи.

эгирмоқ — томорқа ёки бир ернинг атрофини ўрамоқ, иҳота қилмоқ.

Бу сўз ҳам Навоий асарларида учрайди: Хисрав қўрғонни қабаб тушуб даврида яна бир қўрғон эгиргани. ("Фарҳод ва Ширин".)

элаграмоқ — алаҳсирамоқ. У кечаси элаграб чиқти.

ўйноқ — ўйнайдиган жой, майдон. Бу ер молнинг ўйноғи.

ўрмоқ — юқорига, ўрга юрмоқ. Қўйлар йўққориға ўруп кетипти.

ўбоши — вақти келиб, келгусида. Ўбоши бу пул сенга керак бўлади.

ўнгур — этак, бар. Ўнгурудан ушламоқ.

ювошмоқ — ювош бўлмоқ.

юткамоқ — 1. Бир жойда боғлиқ турган қарамол ёки чорва молларини бошқа бир жойга олиб бориб боғламоқ. (бузоқ) жўғаларни юткадингми? 2. Суҳбат чоғида гап мавзусини бошқа томонга бурмоқ. Мазкур сўз ушбу маънода А. Навоий ва Бобур асарларида учрайди: Алар сўзни ўзга сори юткаб, туно кун, ўтган ҳолатдин хеч нима изҳор қилмадилар. (А. Навоий. "Хамсатул—мутаҳаййирин").

қўқум — ахлат, майда-чуйда ифлос нарсалар.

қорўчку — қўриқчи (қушларни чўчитиш учун фойдаланиладиган қўғирчоқ одам).

қўқумоқ — жуда ифлос бўлиб кетмоқ. Ўй қўқуб кетиптиху.

қичқил — тахир, какра, талха. Бу олмо қичқил экан.

ғидириш — 1. Ғадир-будур, текис эмас. 2. (Оғиз ҳақида) тахир, тахир бўлиш, какра бўлиш.

Бердак ЮСУФ

* Фориш тумани Учма қишлоғи шевасидан

Millіy Tiklanish
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Шарифа САЛИМОВА, Ойдин ҲОЖИЕВА, Мунира ҚОРИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0026.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда нархи эркин.
Саҳифаловчи: Р.Исмаилова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Адади: 1240 нусха

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси — 30 уй.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Наавбатчи — Музаффар АБДУШУКУРОВ

12345

Босишга топширилди 19.30